



“ОЛТИН ВОДИЙ ГАВҲАРИ” — ФАРҒОНАДА ХАЛҚИМИЗ БИЗДАН ЯНАДА БУЮК ИШЛАРНИ КУТАЯПТИ

**Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлардаги бунёдкорлик ишлари,
маҳаллалар ҳаёти билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида
28 сентябрь куни Фарғона вилоятида бўлди.**

Давлатимиз раҳбари дастлаб Бағдод туманига келди.

Туманда 218 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Узоқ вақт қурилишга эътибор бўлмагани туфайли одамларнинг уй-жойга эҳтиёжи юқори эди. Шу боис, охириги йилларда бу ерда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Жумладан, тумanning Гулистон маҳалласида ўтган йили 7 та кўп қаватли уй қурилган эди. Бу йил 61 та шундай турар жой барпо этилди.

Давлатимиз раҳбари бу ердаги бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди.

Маҳаллада инсонлар учун керакли ҳамма ижтимоий объектлар қулай жойлашган. Фуқаролар йиғини биноси, ёшлар учун коворкинг маркази, савдо ва маиший хизмат мажмуаси ёнма-ён. 420 ўринли мактаб, 150 ўринли боғча, оилавий поликлиника, маданият уйи, спорт мажмуаси барпо этилган. Кўп қаватли уйлар олдида болалар майдончалари ташкил қилинган.

Худуд замонавий инфратузилма билан таъминланган. Ички йўллар асфальтланиб, атроф ободонлаштирилмоқда.

Гулистонликлар тадбиркорлик, парандачилик ва деҳқончилик билан шуғулланади. Маҳалла яқинидаги кичик саноат зонаси, юз гектардан зиёд иссиқхоналар бунинг учун қўлай шароит яратган. Уйма-уй юриб, муаммолар ўрганилиши натижасида 205 нафар ишсиз фуқаро кичик саноат зонасига, юзлаб ёшлар иссиқхона мажмуасига ишга жойлаштирилган.

Президент шу ерда маҳалла фаоллари, бағдодлик нурунийлар билан суҳбатлашди.

— Худудларимиз шундай ривожланаётгани, одамлар уйли, ишли бўлаётганини кўриш менга хурсандчилик бағишлайди. Мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмас, деган гап бор халқимизда. Узим ҳам кўп йиллар мусофирчиликда яшаб, ишлаб, уйсизлик азобини ҳис қилганман. Ҳозир ҳам одамларнинг муаммосини юрагимдан ўтказиб, уларга ечим топиш учун ўзимни қийнайман. Шунинг учун ҳамма жойда уйлар қуряпмиз, мамлакатимиздаги ҳар бир оила уйли-жойли бўлсин, деб ҳаракат қиляпмиз. Фуқаролар манфаати — менинг манфаатим, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари маҳалладаги янги уйлардан бирига кўчиб келган Абдуқаҳҳор ота ва Ойзода ая

хонадонига бўлди. Улар тўрт фарзандни тарбиялаб, вояга етказган.

Кўпни қўрган бу инсонлар билан ёшлар тарбияси, бугунги таълим ва тадбиркорлик имкониятлари, тинчлик ва шўқоналиқнинг аҳамияти ҳақида самимий суҳбат бўлди.

Ушбу маҳалла намунаси асосида, Ёзёвон, Олтиариқ ва Фарғона туманларида ҳам 4-5 минг хонадонли “йўлдош” шаҳарчалар бунёд этиш мақсада мувофиқлиги таъкидланди.

Шавкат Мирзиёев Бағдод туманида Фарғона вилояти сайловчилари билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари Бағдод тумани Гулистон маҳалласида бунёд этилган Маданият марказида санъат намояндалари билан суҳбатлашди.

— Иқтисодиёт билан бирга маданиятни ривожлантиришга ҳам ҳаракат қиляпмиз. Фарғона азалдан санъаткорлар ватани бўлиб келган. Қўқон театри таъмирланиб, замонавий шароитлар яратилгани, улғу адиб ва санъаткорлар хотирасига бағишлаб музей ва мактаблар ташкил этилгани хайри бўлди. Бугун сайловчилар билан учрашувда Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фуракат, Ашуралли Зоҳирӣ, Юсуфжон қизик Шакаржонов номини абадийлаштириш, Санъаткорлар хиббонини барпо этиш, умуман, вилоятда маданиятни ривожлантириш бўйича кўплаб фикрлар билдирдим. Агар сизлар кўплаб-қувватлаб, ўз ҳиссангизни қўшсангиз, бу санъат ривожига, ёшлар тарбиясига хизмат қилади, деб ўйлайман, — деди давлатимиз раҳбари.

Қўқон театрида адабий муҳитни яхшилаш, пойтахтдан истеъдодли режиссёрларни жалб қилиб, асарлар савиясини ошириш муҳимлиги таъкидланди. Фарғона дорбозлик ва аскиячилик анъаналарини давом эттириш учун Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида алоҳида бўлим ташкил этиш таклифи билдирилди.

Президент шу маҳалладаги иссиқхона ҳам қўриб кўрди. Бу ерда “Ёшлар дафтари”га кирган 500 нафар йигит-қиз иш билан таъминланган.

Давлатимиз раҳбари уларнинг деҳқончилиги, даромади, режалари билан қизиқди. Ёшлар иссиқхонада асосан лимончилик билан шуғулланаётгани, қатор ораларига бодринг, помидор, қалампир, सबзавотлар экиб, даромад олаётгани, бунинг самарасида оиласи

“Ёшлар дафтари”дан чиққани ҳақида сўзлаб берди.

Ёш тадбиркор Зулхумор Мамажонова оиласига маҳалла ҳудудида қурилган уйлардан бепул хонадон ажратилгани, иссиқхонадан олаётган даромади орқали келгусида ёшларни тадбиркорликка ўргатиш ниятида эканини айтиб, Президентга миннатдорлик билдирди.

— Ерга муносабат ўзгаряпти, ҳаракат қилсак, натижа бўлади. Бу сизларга кичик бўлса ҳам, бир имконият. Ҳали яна иссиқхоналар қурилади, кўплаб корхоналар ташкил этиляпмиз, уларга сизларга ўхшаган меҳнаткаш, билимли ёшлар керак. Ҳеч қачон изланишдан, ўрганишдан тўхтаманглар. Ёшларнинг билим олиши учун Фарғонада қўшимча имкониятлар яратамиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президент Шавкат Мирзиёев Қўштепа туманига бориб, ғўзани томчилатиб сугориш технологиясини кўздан кечирди.

Марказий Фарғона ерларида деҳқончилик қилиш — машаққат. Айниқса, Қўштепа туманининг қарийб 70 фоиз ҳудуди унумдорлиги паст ерлар. Шу сабабли қишлоқ хўжалигида қўзланган натижаларга эришилмас эди.

Давлатимиз раҳбари 2019 йилда Фарғона вилоятига ташрифи чоғида бундай майдонларда томчилатиб сугоришни жорий этиш бўйича кўрсатма берган эди.

Бугунги кунда “Fergana Global textile” пахта-тўқимачилик кластери томонидан Исроиқнинг “Netafim” компанияси билан ҳамкорликда шундай лойиҳа амалга оширилмоқда.

Биринчи босқичда 215 гектар ерда томчилатиб сугориш жорий этилди. Бунинг учун 17 минг куб метр сигимга эга сунъий ҳовуз қурилиб, 3 та тик қудуқ қазилди. 520 минг долларлик замонавий ускуналар келтириб ўрнатилди. Мазкур технология ёрдамида бир вақтнинг ўзига 60 гектар пахта майдонини сугориш мумкин.

Самарадорлик яхши бўлмоқда. Масалан, сув, ўғит ва ёқилғи сарфи икки баравар, механизация жараёни тўққиз мартага қамайган. Бу тизимни самарали ишлатиш учун 10 нафар ёш агроном ўқитилган.

Президентимиз томчилатиб сугориш жараёнини кўздан кечириб, мутахассислар билан мулоқот қилди.

— Бу ҳудуднинг тупроғи қумлоқ, сув доим танқис. Лекин авваллари бу ерда ҳам бошқа жойлар билан бир хил иш услуби бўлган. Шунинг учун туманда қишлоқ хўжалиги рентабел эмасди. Масалан, пахтадан 10-12 центнер ҳосил олинар эди. Мана, бу йил 45 центнер бўлиши кутиляпти экан. Булар — илм билан ёндашиш самараси. Қилса бўлар экан-ку, — деди Президент.

Лойиҳанинг иккинчи босқичида 1 минг 200 гектар майдонда томчилатиб сугоришни жорий этиш белгиланган. Мутахассислар фикрича, ушбу технология икки мавсумда ҳаражатларини тўлиқ қоплайди.

Шу ернинг ўзига давлатимиз раҳбари оммавий ахборот воситалари вакиллари билан мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Қўштепа туманидаги Намуна маҳалласида бўлиб, аҳоли ҳаёти билан танишди.

Халқимизнинг миллий деҳқончилик маданияти, қадриятларидан бири — узумчилик. Айниқса, Фарғона водийсида деярли ҳар бир кўчада, хонадонда ток бор.

Намуна маҳалласида ҳам шундай. Аксарият оилаларнинг асосий даромади узумчиликдан. Шунингдек, намуналиклар мебелсозлик, дўппидўзлик, чеварлик, чорвачилик, асаларичилик ва қуён боқиш билан шуғулланади. Маҳаллада уч мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади.

Шавкат Мирзиёев шу ерлик Жумабой Исмоилов хонадонига меҳмон бўлди.

Оила бошлиғи уста деҳқон. Турмуш ўртоғи Фотима ая тикувчи. Улар катта фарзандларини уй-жойли қилгани, ўз уйида ишлаб, қўшимча даромад топаётгани ҳақида сўзлади. 15 сотих томорқада 100 туп ток ва бошқа мева дарахтлар экилган. Ўтган йили биргина узумнинг ўзидан 21 миллион сўм даромад олинган.

Президент келгусида маҳалла тизимига янада кенг имкониятлар берилиши, бу жойлардаги муаммоларни манзилли ҳал этиш ва аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилишда муҳим омил бўлишини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Фарғона вилоятига ташрифини яқунлаб, Андижонга қўнаб кетди.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ,
Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА мухбирлари**



Газетамизнинг бугунги сониди сайловолди ташвиқоти доирасида Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Мақсуда Ворисованинг сайловолди дастури доирасида амалга оширадиган ташаббуслари

акс этган материаллар чоп этилмоқда.

Мазкур мақола Ўзбекистон Республикаси

Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинмоқда.



2-бетга қаранг

САЙЛОВДА ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР ИШТИРОКИ СИЁСИЙ ЖАРАЁННИНГ ИШОНЧЛИ БЎЛИШНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Демократлашув жараёни — тарихий ҳодиса. Унинг шаклланиши, ривожланиши ўзига хос тараққиёт йўналишларига эга.

Ҳар қандай жамият ҳаётида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, демократик қадриятларнинг қанчалик мослашувчанлиги мавжуд демократик институтлар фаолияти самарадорлигига боғлиқ.

Шу маънода, сайловларнинг жамиятда демократия кафолатларидан

бири эканини ҳам таъкидлаш жоиз. Сайловларни ташкил этиш жараёнлари — фуқароларнинг иштирокидан тортиб, тарғибот-ташвиқот ишларига бўлган ижтимоий-сиёсий фаоллиқнинг бир қуриниши саналади.



Давоми 3-бетда



ЎЗБЕКИСТОН СЎЗИ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИНИНГ ДОИМИЙ НИГОҲИДА

БМТ Бош Ассамблеясининг 76-сессиясида глобал ва минтақавий хавфсизлик, COVID-19 пандемияси шароитида барқарор тараққиёт ва унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини енгиб ўтиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда рағбатлантиришнинг муҳим масалалари юзасидан фикр алмашилди. Ўзбекистоннинг бу борадаги позициясини мантикий жиҳатдан учта йирик ва асосий йўналишга ажратиш мумкин.

Инсон табиятан тинчликсевар этиб яратилган. Инсоният тарихий тараққиётнинг ҳар бир босқичида тинчликни сақлаш, хавфсизликни мустаҳкамлаш, пировардида, эмин-эркин яшаш учун

курашиб келган. Башариятнинг бу олий мақсади мангу, зеро, дунёдаги барча неъматларнинг энг аълоси ҳам оқсоиш-талиқ ва тинчликдир.



Давоми 3-бетда

ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛЬ

ЭЗГУ АНЪАНАЛАР ДУНЁ ХАЛҚЛАРИНИ БИРЛАШТИРМОҚДА!

Пойтахтимиздаги “Киночилар уйи”да “Ипак йўли дурдонаси” халқаро кинофестивалининг очилиш маросими бўлиб ўтди.



“Тинчлик, маърифат ва тараққиёт учун” шиори остида ташкил этилган мазкур тадбирда жаҳоннинг кўплаб давлатларидан ташриф буюрган кино арбоблари, экран юлдузлари, халқаро ташкилотлар ва хорижий дипломатик корпус вакиллари, санъат мухлислари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ипак йўли дурдонаси” Тошкент халқаро кинофестивали иштирокчиларига табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, туризм ва спорт вазири Азиз Абдуҳақимов ўқиб эшиттирди.

Санъат масканида куй-қўшиқ авжида. Саҳнада Тошкент халқаро кинофестивалида иштирокчи давлатларнинг байроқлари ҳил-пирайди. Миллий ва жаҳон

кинематографиясининг энг нодир намуналари экранда гавдаланади.

— Ўзбекистон эзгулик байроғини баланд кўтариб, дунёдаги тинчликсевар, санъатсевар, тараққийпарвар инсонларни бирлаштирмоқда, — дейди Ўзбекистон Кинематография агентлиги бош директори Фирдавс Абдуҳолиқов. — “Ипак йўли дурдонаси” Тошкент халқаро кинофестивали доирасида 30 дан зиёд тадбир ўтказилади. Уларнинг ҳар бири муҳим ва катта аҳамиятга эга. Масалан, кинофестиваль Ўзбекистоннинг бир қатор шаҳарларида янги, ёрқин ва инновацион форматда ўтказилиб, ёшларнинг истеъдодини намойиш этишга қаратилгани билан ажралиб туради.




Давоми 6-бетда

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни



ЭЪТИРОФГА ЛОЙИҚ НАТИЖАЛАР ЖОРИЙ ЙИЛДА САЙИЛЖОЙ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙНИ БИТИРГАН 565 НАФАР ЎҚУВЧИНИНГ 518 НАФАРИ ТАЛАБА БЎЛДИ



5-бетга қаранг

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ МАМЛАКАТДА ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАРНИНГ МУСТАҲКАМЛАНИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



MAQSUDA
VORISOVA
2021



66

Чет элда меҳнат қилаётган фуқароларимизнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида ташқи меҳнат миграцияси соҳасида халққаро ҳамкорликни янада ривожлантириш лозим. Шу асосда тартибга солинган, хавфсиз, бошқариладиган меҳнат миграцияси сиёсатини амалга ошириш тарафдоримиз.

Нархларни шакллантириш устидан давлат ва жамоатчиликнинг қатъий назоратини ўрнатиш лозим



Кучли фуқаролик жамиятининг ўзига хос хусусиятларидан бири бу барча соҳаларда жамоатчилик назоратининг ўрнатилганидир. Бу мамлакатда демократик тамойилларнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади. Негаки, одамлар жамоатчиликка бирилашиб, олиб борилаётган ислохотларга ўз таъсирини кўрсатар экан, демократия ҳам шу аснода мустаҳкамлана боради. Жамоатчилик назоратининг аҳамияти ривожланаётган мамлакатлар ҳаётида муҳим ўрин тутди. Шу каби давлатимизда ҳам йилдан-йилга жамоатчилик назорати шаклланиб, ўзининг янги босқичларига кўтариляпти. Бунга кўлаб мисолларни келтиришимиз мумкин. Масалан, бирон давлат идораси, ё хизматчисининг ўз ишини масъулият билан бажармагани устидан фуқаролар жамоатчилик нормалари асосида назорат ўрнатиб, ижобий натижаларга эришилаётганига кўп гувоҳ бўляпмиз.

Шулар қаторида нархларнинг сунъий оширилиши юзасидан ҳам жамоатчилик назорати шаклланиб, бирлаштирилган ҳам жамоатчилик назорати доирасига тортиб, уларнинг бу борадаги фикрларини инобатга олиш тизимини йўлга қўйиш зарур. Энди савол туғилади: бу каби ҳолатларга лоқайд одамларни қандай қилиб жамоатчилик назоратига қизиқтирса, бирлаштирса бўлади? Албатта, бунда оммавий ахборот воситалари орқали қилинадиган тарғибот-ташвиқот ишларининг ўрни катта. Шунингдек, маҳаллалар тизимида ҳам жамоатчилик назоратини шакллантириш юзасидан тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришни йўлга қўйиш шарт.

Нархларнинг шакллантирилиши устидан давлат ва жамоатчиликнинг назоратини ўрнатиш орқали нимага эришиш мумкин? Бундан биринчидан, одамларнинг сунъий оширилган нархларда товар ва хизматларни харид қилишининг олди олинади. Бу орқали фуқароларнинг иқтисодий ҳолатига салбий таъсир етмайди. Иккинчидан,

нархларнинг тез-тез сунъий ошиб бориши мамлакатнинг иқтисодий сиёсатида ҳам жиддий хавф туғдиради. Бу эса инфляциянинг кучайишига, мамлакат иқтисодиётининг турғунлашуви сабаб бўлади. Агар нархлар шаклланиши устидан давлат ва жамоатчилик қатъий назорат ўрнатса, бу давлат учун ҳам, фуқаролар учун ҳам иқтисодий наф келтиради.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, ўтган йили пандемия авжига чиққан пайтда бир қанча жамоат ташкилотлари ички бозорларда сотилаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизматлар нархларининг асоссиз равишда ошиб кетишининг олдини олиш учун жойларда "Жамоатчилик назорати" ишчи гуруҳларини ташкил этди. Унга кўлаб тажрибали мутахассислар жалб қилиниб, бозор ва савдо шохобчаларидаги нарх-навога оид кунлик маълумотлар умумлаштирилган ҳолда, ваколатли масъул давлат органларида тақдим этиб турилди ва бу фаолият давом этмоқда.

Эътиборли жиҳати, айна шу жамоатчилик назорати сабаб тиббий нарх, антисептик воситалар, вилоятлараро қатновчи таксиларнинг асоссиз оширилган нархлари тартибга солинишига эришилди. Шунингдек, жамоатчилик назорати таҳлилларига асосан, ҳукуматга фуқароларнинг ўткир эҳтиёжи мавжуд бўлган маҳсулот ва хизматлар юзасидан ахборот киритиб боришмоқда.

Эришилган ва эришилаётган натижалар оз эмас, шу сабабли нархларнинг шакллантирилиши устидан қатъий жамоатчилик назоратини ўрнатиш жуда катта аҳамият касб этади.

Аҳолини ҳар йили бепул тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил этиш зарур

Бунга биринчи омил энг юксак қадрият бўлмиш инсонларнинг саломатлигини яхшилаш зарурати бўлса, кейингиси жамиятдаги тиббий маданиятни юксалтиришдир. Тиббий маданиятни юксалтиришга ҳам соғлиқни сақлаш тизимидаги ташкилот ва муассасалар масъул ҳисобланади.

Ривожланган давлатларда инсон саломатлигига биринчи даражали масала сифатида эътибор берилди. Негаки, ҳар қандай мамлакатнинг энг катта бойлиги унинг халқидир. Қаредкаси одамлар соғлом бўлса, улар турли соҳалар ривожига ҳисса қўшади ва бу мамлакат учун улкан фойда сифатида баҳоланади. Шу сабабли, давлатимизда одамларнинг соғлиқ-саломатлигини авайлаш мақсадида аҳолини ҳар йили бепул тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил этиш лозим.

Бу орқали инсонлар касаллигини ўз вақтида аниқлаб, улар ҳаётини сақлаб қолиш мумкин. Ваҳоланки, мутахассислар фикрига кўра, ўз вақтида аниқланган ҳар қандай касаллиқни даволаш мумкин. Агар ўша касалликлар вақтида аниқланса, бемор учун ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан фойдали бўлади.

Одамларда тиббий маданият етишмас экан, уларнинг ўзи бориб шишоркага кўринишни истамас экан, ҳар

йили ўтказиладиган бепул тиббий кўрикни кечиктирмасдан бошлаш зарур. Бу ишни асосан оилавий поликлиникалар фаолиятидан фойдаланган ҳолда, шунингдек, узоқ ҳудудлардаги аҳоли пунктларига кўма тиббий кўрик гуруҳларини юбориш орқали амалга ошириш мумкин. Шу ўринда айтиб ўтиш кераки, оилавий поликлиникаларнинг бирламчи вазифаси касаллик профилактикаси ҳамда аниқланган касаллиқни даволаш, касаллик асоратининг олдини олиш ҳисобланади.

Фуқароларимизда ўз соғлиғига масъулият ҳиссини кучайтириш учун тиббий маданиятни тарғиб қилишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш, амалиётга таъбиқ этиш лозим. Бу ҳам юқорида қайд этганимиздек, соғлиқни

сақлаш тизимининг вазифалари сира-сига қиради.

Тарғиботда, аввало, оммавий ахборот воситаларини, чунончи, аҳолининг кўлаб қисми фойдаланадиган телевидение ва радиони жалб этиш яхши натижа беради.

Фикр билдираётганимиз мавзуга оид яна шуни ҳам қўшимча сифатида айтиб ўтишимиз кераки, айна кунларда коронавирусуға қарши вакцинация олиб боришмоқда. Бу ҳам тиббий профилактиканинг бир туридир. Мутахассислар фикрича, эмланган инсон умуман касалликка чалинмайди ёки ўқтирган тақдирда ҳам энгил шаклда ўтказилади. Бу, албатта, аҳоли саломатлигини сақлашда муҳим омил ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлашимиз мумкин, аҳолини ҳар йили бепул тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил этиш бевосита мамлакат тараққиётига хизмат қилади.

фаолият юритиши назарда тутилган. Бу ҳам ўзига хос нотенглик бўлиб, бундай монополларнинг фаолияти жиддий назорат қилиниши лозим.

Мутахассислар фикрича, аҳоли даромадларининг таққосидан нотенглик бор ёки йўқлиги маълум бўлади. Нотенглик мавжуд жамиятларда даромадлар ўртасидаги тафовут сезиларли даражада катта рақамни ташкил этади. Сирдан қараганда, барчага тенг имкониятлар яратилгандек туюлади, аслида эса қандайдир маълум ва номаълум имтиёзларнинг катта мулк эгалари ёки амалдорларга берилгани аниқланади. Адолатли демократик жамиятда барча учун баравар шароитлар яратилади, агар кичик мулк эгалари ёки аҳолининг

кам таъминланган қатлами вакиллариди қандайдир етишмовчилик бўлса, махсус дастурлар асосида уларга кўмак берилди. Шуни аниқлаш кераки, кўмак ва имтиёз бериш бошқа-бошқа нарсалардир.

Ҳар томонлама тараққий этган Дания, Швейцария, Германия, Финляндия, Нидерландия, Япония каби мамлакатлар тажрибасига қарайдиган бўлсак, уларда ҳеч қайси қатламга алоҳида имтиёзлар берилмаган. Барчага бирдек шароит яратилган. Ҳар ким ўз ҳаракатига яраша ҳаёт даражасига эга бўлади.

Ижтимоий нотенглик асосан иқтисодий нотенгликдан келиб чиқиши ҳақида фикр билдирган эдик. Шунга мисол

тариқасида ҳарбийлар, божхоначилар ва бошқа қатор соҳа вакилларининг фарзандлари учун ОТМга киришда берилаётган грантлар квотасини ҳам санаб ўтиш жоиз. Таъкидлаш: отаси ё онаси сабаб грант асосида бирон моддий қийинчиликка дуч келмай ўқиётган талабалар ўқув жараёнига ҳам панжа ортдан қарамайдими? Билими қанчалар юқори бўлишига қарамай, контрактда ўқиётган талабаларнинг "имтиёз"лар сабаб кўнгли ўқисмаётганими?

Бир сўз билан айтганда, биз юқорида мулоҳаза юритган барча масалаларга ечим топиш, уларни ҳаққоний ҳал қилиш Халқ демократик партиясидан Президентликка номзод Мақсуда Ворисованинг сайловолди дастуридан ўрин олган ва уларни ҳал қилиш бош мақсадимиз сифатида белгиланган.

Халқ демократик партияси матбуот хизмати тайёрлади.

66

Ижтимоий нотенглик асосан иқтисодий нотенгликдан келиб чиқиши ҳақида фикр билдирган эдик. Шунга мисол тариқасида ҳарбийлар, божхоначилар ва бошқа қатор соҳа вакилларининг фарзандлари учун ОТМга киришда берилаётган грантлар квотасини ҳам санаб ўтиш жоиз. Савол туғилади: отаси ё онаси сабаб грант асосида бирон моддий қийинчиликка дуч келмай ўқиётган талабалар ўқув жараёнига ҳам панжа ортдан қарамайдими?

Ижтимоий тенгсизликнинг барча кўринишларига барҳам берилиши керак

Жамият фаровонлигининг асосий тамойилларидан бири мамлакатда ижтимоий тенглик яратилганидир. Конституцияимизнинг 18-моддасида Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга экани, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги белгилаб қўйилган.

Мисол учун, олий таълимга киришда айрим тоифаларга берилаётган имтиёзлар, солиқ ва бошқа ижтимоий имтиёзлар жамиятда нотенгликни шакллантиради. Шунингдек, яна бир муҳим жиҳатга эътибор қаратиш лозим. Ижтимоий нотенглик асосан иқтисодий

нотенгликдан келиб чиқади. Иқтисодий нотенгликнинг асослари, биринчидан, айрим турдаги тадбиркорларга бериладиган имтиёзлардан пайдо бўлса, иккинчидан, иқтисодий соҳадаги мавжуд монополиялар бунга замин ҳозирлайди.

Биринчи ҳолатда айрим тадбиркорларгагина солиқ имтиёзи ва бошқа имтиёзлар берилиши бошқа тадбиркорларнинг манфаатига зарар етказиши. Шундан кейин имтиёз берилмаган тадбиркорлар ўз фаолиятини тамомлаши ва бу орқали уларнинг мамлакат тараққиётига қўшаётган ҳиссасига нукта қўйиши мумкин.

Иккинчи ҳолатда эса мавжуд монопол компанияларнинг айрим турдаги тадбиркорлар билангина ҳамкорликда



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН НОМЗОД МАҚСУДА ВОРИСОВА ВА ОВОЗ БЕРИНГ!

МУНОСАБАТ



Шовосил ЗИЁДОВ,
Имом Бухорий халқаро
илмий-тадқиқот маркази
директори

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон бунёдкор халқи билан бирга, аввало, ўз ҳудудига, қолаверса, минтақада хавфсизликни таъминлаш, кенгроқ доирада эса жаҳон ҳамжамияти эътиборини глобал таҳдид ва хатарларга қарши ҳамжиҳатликда курашишга қаратиб, тараққиёт йўлида шахдам одимлаб бормоқда.

Ўзбекистон Президенти дунёдаги энг йирик ташкилот минбаридан мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли демократик ислохотлар орта қатлам тус олганини алоҳида таъкидлади. Бу ўринда гап инсон ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларини, сўз ва оммавий ахборот воситаларини, дин ва виждон эркинлигини, гендер тенгликни, миллатлараро тотувликни таъминлаш билан бирга камбағалликни камайтириш, ҳар бир киши учун қафолатли даромад манбаини яратиш ҳақида борапти.

Асосий мақсадимиз — 2030 йилга бориб, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар миқдори бўйича “даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар” қаторига киришди, деди Ўзбекистон Президенти.

Ҳар қандай давлатда олиб борилаётган ислохотларнинг самараси глобал инновацион индекс билан ўлчанади. Бу индекс дунё мамлакатларининг инновацион ривожланиш даражасини белгилайди. Ўзбекистон жаҳон бўйича бу рейтингда 132 давлат ўртасида 86-ўринда қайд этилди. Бу натижа мамлакатимизнинг рейтингидagi ўтган йилги ўрнидан 7, 2015 йилги ўрнидан эса 36 поғона юқориллагани билан эътирофлидир. Бу рейтингни чиқариш жараёнида 2 та субиндекс, 7 та йўналиш, 21 та гуруҳ ва 81 та кўрсаткич орқали турли иқтисодий тараққиёт даражасидаги ўлкаларнинг инновацион имкониятлари, амалга оширган ишлари ўлчанади, қучли ва қучсиз томонларига қиёсий баҳо берилди.

Ҳар йили дунё миқёсида катта қизиқиш билан кузатиб бориладиган бу рейтингда мамлакатлар 4 та даромад гуруҳига бўлинган (юқори, юқори ўрта, қуйи ва паст даромад). Ўзбекистон ўз гуруҳида (қуйи ўрта даромад) 34 давлат орасидан 10-ўринга лойиқ топилган.

Яна бир муҳим жиҳат шуки, бу йлги ҳисоботда Ўзбекистон энг кўп поғона юқориллаган мамлакатлар 10 та лигига кирди. Истиқболдаги пировард мақсад ва устувор вазифалардан бири эса 2030 йилга қадар республикамизни глобал инновацион баҳолаш

рейтингда етакчи 50 давлат қаторига киритишдан иборат. Чунки Ўзбекистонда яратилаётган имкониятлар, қулай инвестицион муҳит, тадбиркорлик соҳасига қаратилаётган эътибор ва давлатимизнинг чексиз салоҳияти шундан дарак беради.

Муҳими, ҳеч кимни эътиборсиз қолдирмаслик

Сир эмас, яқин бир ярим йил ичида бутун дунё жиддий синовдан ҳаёти. COVID-19 пандемияси ҳаётнинг ҳар бир жаҳаси, айниқса, иқтисодиётга салбий таъсирини ўтказмасдан қолмади. Бугун жаҳоннинг энг йирик ва қудратли давлатлари ҳам пандемия оқибатларига қарши курашишда давом этмоқда. Ўзбекистон томони бу курашда БМТ томонидан эълон қилинган “Ҳеч кимни эътиборсиз қолдирмаслик, ҳамма учун ва барча жойда” тамойили асосида биргаликда енгиб ўтиш масаласига ҳам тўхталиб, пандемиядан кейинги даврда жаҳон иқтисо-



ЎЗБЕКИСТОН СЎЗИ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИНИНГ ДОИМИЙ НИГОҲИДА

дан, Афғонистондаги вазиятга нисбатан Ўзбекистон позицияси доим инсонпарварлик ғояларига йўғрилган. Айни пайтда мазкур мамлакатда давлат бошқаруви тизими қандай бўлишидан қатъи назар, давлатимиз қўшни мамлакатлар ички сиёсатига аралашмаслик тамойилига тўла амал қилади. Афғон халқининг орзу-истакларини рўёбга чиқариш, аввало, тинчлик ўрнатиш ва осоишталликни таъминлашдан бошлаш лозим.

“Бу давлатда тинчлик ва осоишталлик ўрнатилишидан нафақат биз, қўшни мамлакатлар, балки бутун дунё манфаатдордир”, “Ҳозирги қийин даврда Афғонистонни яққалаб, уни муаммолар гирдобига ташлаб қўйиш мумкин эмас”, “Афғон масаласида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таъсири ва овози ҳар қачонгидан ҳам кучлироқ янграши лозим”, дея таъкидлади Ўзбекистон Президенти.

Давлатимиз Афғонистонга нисбатан нафақат сўзда, балки амалда ҳам яхши қўшничилик муносабатлари ўрнатилиши тарафдори. Айнан шунинг учун бу мамлакат билан чегаралар очилиб, бирламчи эҳтиёж буюмлари ва озик-овқат маҳсулотларидан иборат инсонпарварлик ёрдамлари юборилиб, электр энергияси ва ёқилғи билан таъминлаш давом эттирилмоқда. Мазкур давлатнинг янги бошқарув тизимига келган қатлам вакиллари ушбу ёрдамдан самимий миннатдор эканлигини билдириб, афғон халқи бу яхшиликларни унутмаслигини таъкидлади.

Бугун дунёда хавф-хатар ва зиддиятлар, трансмиллий таҳдидлар тобора ортиб бораётгани туфайли жорий йилнинг ноябрь ойида Тошкентда БМТнинг Глобал акселтерор стратегияси Марказий Осиё учун режасининг ўн йиллик натижалари ва истиқболларига бағишланган Халқаро конференция ўтказилиши халқаро ҳамкорлигини янада mustаҳкамлашга хизмат қилади. Дарҳақиқат, минтақада хавфсизликни таъминлашга фақат қўшни давлатлар билан

яхши муносабат орқали эришиш қийин. Шу нуктаи назардан, бу борада даврани кенгроқ олиб, масалага Марказий Осиёнинг барча мамлакатларини жалб қилган ҳолда, эришилган натижаларни сарҳисоб қилиб, галдаги вазифаларни белгилаб олиш мақсадлари қўзланган.

Юқоридаги тақлифнинг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган яна бир муҳим ташаббус — мазкур конференция доирасида БМТнинг гиёҳвандлик ва жиноятчилик бўйича бошқармаси билан 2022-2025 йилларга мўлжалланган Марказий Осиё мамлакатлари учун минтақавий дастурини имзолаш ҳамда Марказий ва Жанубий Осиё давлатларини қамраб оладиган Гиёҳвандликка қарши умумий Ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш. Таъкидланганидек, бу муҳим ҳужжатлар мазкур йўналишдаги ишларга mustаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Трансмиллий тенденцияларга ўзининг бевосита таъсирини ўтказмай қолмайдиган йўналиш — бу экология соҳаси. Ўзбекистон Президенти иқлим ўзгаришларига қарши кураш, атроф-муҳит ва биохилма-хилликни муҳофаза қилиш ва қайта тикланидиган энергия манбаларига ўтиш бора-сида қўрилаётган чораларга алоҳида тўхталди ва жаҳон ҳамжамияти эътиборини яна бир бор Оролбўйи минтақасига қаратиб, 2022 йилда Нукус шаҳрида “Яшил” энергетика бўйича БМТ билан ҳамкорликда юқори даражадаги халқаро форум ўтказиш ташаббусини билдирди.

Бундан ташқари, БМТ шафелигида глобал экологик сиёсатнинг устувор йўналишларини батафсил муҳокама қилиш мақсадида 2023 йилда Ўзбекистонда Атроф-муҳит бўйича БМТнинг юқори даражадаги Олтинчи Ассамблеясини ўтказиш тақлифи айтилди.

“Ассамблея иштирокчилари Орол денгизининг қуриши натижасида юзага келган, экологик офат маркази бўлган Оролбўйи минтақасидаги

оғир вазият билан бевосита танишиш ва зарур ҳулосалар чиқариш имкониятига эга бўладилар. Бундан ташқари, Ассамблеяда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг янги экологик сиёсати асосларини ташкил этишга қаратилган Бутунжаҳон экология Хартиясини ишлаб чиқиш ташаббусини илгари сурмоқчимиз”, деди Ўзбекистон Президенти.

Эътибор қилган бўлсангиз, Ўзбекистон томони ҳар доим юксак минбарларда минтақавий ва глобал муаммоларни кўтариб, бу жараёнларда ёшлар иштирокига ҳам алоҳида урғу бериб келмоқда. Бунда ҳар жараёнга ёшларни жалб қилиб, улар иштирокини таъминлаш масаласини илгари суради. Бу сафар ҳам глобал ҳаракатларга ёшларни жалб қилиш бўйича Бутунжаҳон конференцияси мамлакатимизда муваффақиятли ўтказилгани таъкидланди ҳамда ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатларнинг давоми сифатида Самарқанд шаҳрида мунтазам ўтказилаётган Инсон ҳуқуқлари мулоқотлари доирасида Глобал таълим форумини ташкил этиш режалаштирилгани маълум қилинди.

Агар бу борада илгари сурилаётган эзгу ташаббуслар мағзини тўла қачиб кўрадиган бўлсак, илм аҳлига қаратилаётган эътибор ва рағбат тараққиёт пойдеворининг янада пишиқ бўлишига ишорадир.

Билдирилган тақлиф ва илгари сурилган ташаббуслар сон ва салимқоқ жиҳатидан кенг миқёс касб этиптаи. Асосийи, буларнинг барчаси жаҳон ҳамжамияти томонидан маъқулланиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани кишида қониқш ва мамнунийлик ҳиссини уйғотади.

Дунёдаги энг йирик муассаса — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг аввалги сессияларида Ўзбекистон номидан кўтарилган масалалар эътибордан четда қолгани йўқ. Бош Ассамблеянинг 2020 йил сентябрь ойида ўтказилган 75-сессиясида Ўзбекистон билдирган тақлиф инobatга олиниб, Пандемия даврида давлатларнинг ихтиёрий

мажбуриятлари тўғрисидаги мамлакатимизда ишлаб чиқилган кодекс бу борадаги глобал саъй-ҳаракатларга Ўзбекистоннинг муносиб ҳиссаси сифатида БМТ томонидан расмий ҳужжат шаклида тарқатилди. Бундан ташқари, жорий йилнинг май ойида давлатимизнинг яна бир ташаббуси қўллаб-қувватланиб, БМТ Бош Ассамблеяси Оролбўйи экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида махсус резолюцияни қабул қилди. БМТ шафелигида ташкил этилган Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик трансамгармаси самарали фаолият қуритмоқда.

Таъкидлаш жоизки, барча соҳаларда амалга оширилган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, туб ислохотлар, бу борада эришилган улкан ютуқлар қиёс сифатида мустакил Ўзбекистон тарихида мисли қўрилмаган бурилиш ясади ва халқаро муносабатлар, ташқи сиёсий ва иқтисодий алоқаларда янги даврни бошлаб берди. Айни пайтда муваффақият билан амалга оширилаётган муҳим ташқи сиёсий ташаббуслар натижаси ўлароқ, халқаро майдонда юксак натижаларга эришилмоқда.

Маълумки, замонавий халқаро муносабатлар уларда кўп томонлама дипломатиянинг роли ортиб бораётгани билан ҳам характерланади. Кўп томонлама дипломатия халқаро ҳаётнинг БМТ фаолияти билан боғлиқ қўллаб муҳим жабҳаларини қамраб олади. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий йўналишларидан бири — ўзаро ҳамкорликни mustаҳкамлаш борасида БМТ билан шериклик алоқаларимиз сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Бугун мамлакатимиз ушбу ташкилот ва унинг ихтисослашган тизимлари ишида фаол қатнашмоқда.

Юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг халқаро ҳаётда ҳам муносиб ўрни борлиги, Ўзбекистон сўзи жаҳон ҳамжамиятининг доимий нигоҳида экани барчамизга фахр ва ифтихор бағишлайди.

САЙЛОВДА ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР ИШТИРОКИ СИЁСЙ ЖАРАЁННИНГ ИШОНЧЛИ БЎЛИШНИ ТАЪМИНЛАЙДИ



Фозилон ОТАХОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти директори

Бошланиши 1-бетда

Сайловлар бир неча босқичда амалга оширилади ва бу билан унинг самарадорлиги таъминланади. Уларнинг қанчалик шафдофлиги, демократик кадриятлар, миллий ва халқаро қонунчиликка амал қилиниши назоратини таъминлаш мақсадида сайловларда хорижий кузатувчиларнинг иштироки муҳим аҳамият касб этади.

Хорижий кузатувчиларнинг биринчи марта сайловларда иштироки 1857 йили Молдавияда ўтган сайловда Англия, Россия, Туркиядан келган вакиллар миссияси билан бошланган.

БМТ ташкил топгани унга аъзо мамлакатларда хорижий кузатувчилар институти доимий фаолият қўрсатишига олиб келди ва келажақдаги сайловлар стратегиясига катта таъсир қўрсата олди.

Сайловларда халқаро кузатувчилар иштироки сиёсий жараёнинг ишончли бўлишини таъминлашнинг асосий шартидир. Албатта, бу жараёнинг самарадорлиги — халқаро кузатувчилар миссияси аъзолари сайлов қонунчилигига доир миллий ҳамда халқаро қонунчилик тамойилларига қанчалик амал қилишига ҳам боғлиқ.

Сайловлар жараёнида халқаро кузатувчилар иштирокининг ўзига хос жиҳатлари бор.

Бу, биринчидан, ижобий, халқаро тажрибалар алмашинуви. Сайлов ўтказишга масъул органларнинг халқаро

кузатувчилар билан алоқалари сайлов қонунчилигининг миллий ва халқаро нормаларини ўрганиш, унинг ўзига хос жиҳатларини аниқлашда алоҳида ўрин эгаллайди. Шунингдек, халқаро кузатувчилар сайловга доир қўнималарни ўзлари бўлиб турган мамлакатда сайловлар ўтказилишига масъул органларга етказиш орқали катта тажриба алмашинув майдонини ташкил этади.

Иккинчидан, сайловлар ҳаққонийлигини таъминлаш омилли. Сайловларда халқаро кузатувчилар иштироки этиши сайловларнинг том маънода ҳаққонийлик омиллига тўлиқ таянишига олиб келади. Ҳаққонийлик, сайловларнинг демократик тамойил даражасидаги сифатини ошириш қафолати. Тажрибали халқаро кузатувчилар сайлов қонунчилиги бузилишига йўл қўйилганини тезда аниқлайди ва унга жавобгар органларни жалб этган ҳолда, муаммонинг олдини олишда муҳим роль ўйнайди.

Тўртинчидан, сайлов жараёнида номзодлар, электротат билан юзага келган муаммоларни ижобий ҳал этиш имконини беради. Сайлов жараёни кенг ижтимоий-сиёсий жараён ва унда плюрализм фикрлар ҳамда қарашлар турфа хиллигига асосланади.

Бешинчидан, сайлов жараёни ишончилиги ва қонунчилигини таъминлаб беради. Халқаро кузатувчилар ўз ҳисоботлари ва таҳлиллари орқали сайлов жараёнининг қанчалик қонуна



мос равишда ташкил этилганини аниқлаш имконини беради. Бу сайлов натижаларининг ҳам қанчалик ҳаққонийлигини аниқлашда ёрдам беради. Халқаро кузатувчиларнинг маҳаллий кузатувчилар билан ўзаро ҳамкорлиги вужудга келади. Юқорида таъкидлаганимиздек, халқаро кузатувчиларнинг фаолиятини қатъий равишда миллий ва халқаро сайлов қонунчилиги ҳамда ахлоқ кодексларига амал қилган ҳолда олиб бориши белгилаб қўйилган. Бу сайлов жараёнига жиддий таъсир ўтказувчи омилдир.

Парламент ва Президент сайловларида халқаро кузатувчилар иштироки давомида мавжуд халқаро ахлоқ нормалари ва сайлов қонунчилиги қондаларига амал қилиш халқаро кузатувчиларнинг иштирокини таъминлашда етакчи ўрин эгаллаши шарт. Булар қуйидагилардан иборат:

Суверенитетни ҳурмат қилиш. Аввало, халқаро кузатувчиларни қабул қилаётган давлатнинг суверенитетига ҳурмат билан қараш керак.

Объектив баҳолаш. Сайлов жараёнида кузатиладиган ҳар қандай ўзгаришлар, муаммолари вазиятларга объектив баҳо бериши лозим.

Сайловларда овоз бериш жараёниларига аралашмаслик шарт.

Аниқлик. Халқаро кузатувчиларнинг маълумотлари аниқлиги жамоатчиликка таъсир ўтказиши.

Манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик. Халқаро кузатувчилар сайловларнинг ташкил этилиши ва ўтказилиши билан боғлиқ жараёнларга алоқадорлигини ҳисобга олиб, миллий сайлов комиссиясига таъсир ўтказмаслиги, айрим номзодлар манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ барча жараёнларга аралашмаслиги назарда тутилади.

Ўзбекистон демократик мамлакатлар сирасига кирганини ҳисобга олган ҳолда, сайловлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлиб ўтадиган сайловлар ўзига хос миллий ва халқаро стандартлар асосида ташкил этилади.

Бу жараёнинг қанчалик қонуний эканини қўрсатиб бериш ва жаҳон ҳамжамиятига билдириш мақсадида бир неча йиллардан буён халқаро кузатувчиларнинг иштирокига кенг имконият берган ҳолда, уларнинг талаб ва тавсиялари сайловга доир миллий қонунчилигимизда акс этиб келмоқда.

Хусусан, янги Сайлов кодексининг 6-боби хорижий кузатувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига бағишланган бўлиб, халқаро ҳуқуқ нормаларини тўла ўзида мужассам этади. Масалан, кодекснинг 33-моддасида халқаро кузатувчиларнинг фаолияти тегшли комиссия томонидан

берилган мандатлар асосида амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилган. Бу сайлов жараёнларида халқаро кузатувчиларнинг тартибсиз ва рухсатсиз фаолият қўрсатиш ҳолатларининг олдини олишда етакчи амалиёт ҳисобланади. Шунингдек, манфаатдор ташкилотлар ўз кузатувчилари тўғрисидаги маълумотларни сайлов комиссияларига сайловдан камда 10 кун олдин ариза билан маълум қилади. Ташқи ишлар вазирлиги тегшли хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар кузатувчиларнинг ҳужжатларини илова қилган ҳолда МСҚга тақдимнома киритади. МСҚ беш кунлик муддатда хорижий (халқаро) кузатувчиларни аккредитация қилиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Бу эса сайлов қонунчилигида халқаро кузатувчилар фаолиятини тартибга солиш ва мувофиқлаштиришнинг ўзига хос тизимдир.

Президент сайлови ҳар қандай давлатнинг юксак даражада ривожланишига таъсир этувчи ижтимоий-сиёсий жараён. Шу боис, бу жараёнда халқаро кузатувчилар қатнашиши сайловнинг демократик тарзда ўтаётганини қўрсатиб берувчи индекслардан бири экани алоҳида эътироф этилган ҳолда, Сайлов кодексининг 33-моддасида уларнинг ҳуқуқлари аниқ ва тушунарли қўрсатиб ўтилган:

Сайлов комиссиясининг барча мажлисларида ҳозир бўлиш. Бу сайловларни ўтказишга масъул бўлган мамлакат миқёсидаги ташкилотнинг фаолиятидан тўла ҳабардор бўлиш имконини беради.

Номзодлар қўрсатишга бағишланган йиғилишларда, номзоднинг электротат билан учрашувларида қатнашиш. Бу жараён халқаро кузатувчиларга бўлажак номзодлар билан яқиндан танишиш, улар қанчалик муносиб экани ва

сайлов жараёнида бевосита иштирок этишини таъминлайди.

Сайлов участкасида ҳозир бўлиш. Халқаро кузатувчилар тайёргарлик ишларини, яширин овоз бериш қабиналарини, қисқа қилиб айтганда, сайлов ўтиш жараёни барча жабҳаларининг бевосита гувоҳи бўлиши мумкин.

Овозлар санаб чиқилаётганда ва сайлов баённомаси тузилаётган пайтда иштирок этиш. Овозлар санаб чиқиш жараёнларида халқаро кузатувчиларга рухсат берилиши сайлов тизимининг қанчалик демократик тамойилларга мос эканини қўрсатади.

Тегшли сайлов участкасида ушбу кодекснинг талаблари бузилишига йўл қўйилган, деб ҳисоблаш учун асослар бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида тегшли сайлов комиссияга маълум қилиш. Бу Ўзбекистон сайлов қонунчилигининг тўлиқ халқаро стандартларга мослигини, шафдофлигини қўрсатиб беришнинг бош қўрсаткичидир.

Сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегшли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган қўчирма нусхаларини сўраб олиш. Бу сайловларнинг тўлиқ очик демократик тамойиллар асосида бўлиб ўтишини таъминлайдиган асосий шарт. Бунда хорижий кузатувчиларнинг иштирок этиши юқоридаги фикрларни яна бир бор исботлайди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, жорий йил 24 октябрда бўлиб ўтадиган Президент сайловида нафақат халқаро ташкилотлар ва давлатлардан келувчи халқаро кузатувчиларнинг иштирокини таъминлаш, балки муҳим сиёсий жараёни халқаро ва миллий сайлов стандартлари асосида ўтказиш учун барча шарт-шароитлар яратилган.

ЯНГИ ТИЗИМ

ИШОНЧ МЕЗОНИ, ЭКСПОРТ КАФОЛАТИ

СЎРОВЛАР НИМА УЧУН РАД ЭТИЛМОҚДА?



Хорижга маҳсулот чиқаришнинг ўз талаблари бор, улардан бири сифат мезони ҳисобланади. Айниқса, дунёда халқаро сифат ва стандарт кўрсаткичларига талаб ортиб бораётган бугунги даврда ушбу мезон тобора қатъийлашмоқда. Маҳсулотга ёпиштирилган сифат ёрлиғи унинг ана шу талабларга ўлиқ мос келишини тасдиқлаган тақдирдагина хориждаги бозор расталарида жой олади.

Ҳар қандай товар ёки маҳсулот савдо шохчасига сифат белгиси билан кириб бориши лозим. Бунинг учун улар махсус лабораторияларда сифат ва хавфсизликка доир қатор текширувлардан ўтади. Мазкур жараёнлардан бирини аккредитациядан ўтказилган лабораториялар олиб боради. Яъни турли хизматлар кўрсатувчи лабораториялар фаолияти ҳам тегишли тузилма — 2019 йилда Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ҳузурида иш бошлаган “Ўзбекистон аккредитация маркази” давлат корхонаси томонидан халқаро стандартлар асосида баҳолашни, барча талабларга жавоб берсагина аккредитациядан ўтказилади. Ушбу лабораториялар томонидан бериладиган синов натижалари хорижда тан олинди, тадбиркорларга ўз маҳсулотини экспорт қилиш имкониятини беради.

— Бугунги кунда маҳаллий сертификатлаш идораси хорижий тан олинган идоралардан аккредитациядан ўтиши билан маҳаллий аккредитация идораси унга ҳам миллий, ҳам халқаро сертификатларни бериши имконияти яратилмоқда, — дейди “Ўзбекистон аккредитация маркази” ДК директори Ансабхон Зокиров. — Ана шу биргина халқаро тан олинган сертификат билан ҳам ички бозор, ҳам хорижий давлатларга, маҳсулотларни экспорт қилиш ва чет эл бозорига уларнинг техник тўсиқларсиз кириб боришига имконияти яратилади. Синов ҳужжати ёки сертификат маҳсулотнинг сифати, хавфсизлигига кафолат ҳисобланади. Аслида сертификатлаштириш мувофиқлики баҳолашнинг бир тури. Маҳсулот, хизмат ёки жараён бўладими, уларга нисбатан ўрнатилган талабга қанчалик жавоб беришини аниқлаш эса мувофиқлики баҳолаш саналади.



Экспорт салоҳиятининг ортиб бориши мамлакат иқтисодиёти ва унинг ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Юртимизда экспорт муносабатларининг янги тизими шаклланиб, ўзбек бренди остидаги маҳсулотлар аънавий ҳамкор давлатлардан ташқари, янги бозорларга ҳам кириб бормоқда. Натижада биргина 2021 йилнинг январь – июль ойларида Ўзбекистоннинг жами экспорт ҳажми 8,1 миллиард долларни ташкил этди.



Ҳозирги кунда мувофиқлики баҳолашни амалга оширадиган идоралар жуда кўп бўлиб, улардан энг кенг тарқалгани синов лабораториялари ва сертификатлаштириш ташкилотларидир. Ана шу идораларнинг етарли компетентликка асосан фаолият юритиши аккредитация маркази томонидан тасдиқланади. 2021 йилда марказ томонидан 120 та мурожаат қўриб чиқилиб, 32 та мувофиқлики баҳолаш органи халқаро стандартларга асосан аккредитациядан муваффақиятли ўтказилди. Айни вақтда мамлакатимизда аккредитациядан ўтган 400 дан ортиқ мувофиқлики баҳолаш идоралари фаолият юритиб келмоқда.

НИГОХ

СЎРОВЛАР НИМА УЧУН РАД ЭТИЛМОҚДА?

Аккредитация юртимизда нисбатан янги тушунча бўлиб, ҳозирда “Ўзбекистон аккредитация маркази” ДҚ республикамизда мувофиқлики баҳолаш идораларини аккредитациядан ўтказиш бўйича ягона ваколатли орган ҳисобланади. Тузилма ISO/IEC 17011:2017 халқаро стандарт талаблари асосида фаолият юритади.

Аккредитация бўйича ишлар мажмуи ташкилот вазифаларининг асосий йўналиши ҳисобланиб, у дастлабки аккредитация, даврий баҳолаш (инспекция назорати), тақририй аккредитация, соҳани кенгайтириш ёки қисқартириш каби йўналишларни қамраб олади.

Бу тизимдан ўтиш ихтиёрий амалиёт бўлиб, корхона-ташкилот ёки синов лабораторияларининг эҳтиёжи асосида амалга оширилади. Аккредитациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома 5 йил муддатга берилади. Лабораториянинг муддатни кейинги 5 йилликка узайтириш эҳтиёжи бўлса, масофадан иккинчи аккредитация жараёни ўтказилади. Бу халқаро талабларда ҳам кўрсатилган. Бунда ҳам харажат, ҳам вақт қисқаришига эришилади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, аккредитациядан ўтказиш жиддий жараён бўлиб, одатда 2 ойдан 6 ойгача давом этади. Шу вақт давомида талабгор томонидан ҳужжатлар тақдим этилади ва экспертиза ўтказиш, жойига чиққан ҳолда ўрганиш, энг асосийси, кадрлар малакасини

баҳолаш ишлари олиб борилади. Жараёнда 3 та асосий принцип — ҳалоллик, шаффофлик ва очиқлик бош мезондир.

— Сўнгги йилларда бу борадаги талаблар қатъийлашгани боис, кўп ҳолларда, аккредитация олиш сўровлари рад этилмоқда, — деди



Ансабхон Зокиров. — Хусусан, авваллари 100 та лабораториядан 99 таси аккредитациядан ўтказилган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 50 тага ҳам етмаяпти. Биз халқаро стандартлар асосида баҳолаш ишларини бошлаганимиздан сўнг лабораторияларда техникалар, ходимлар малакасига эътибор султиги юзага чиқиб қоляпти. Бунинг ижобий томонлари ҳам бор. Яъни талабга жавоб бермаган идора аккредитациядан ўтиш учун кейинги баҳолашга-ча барча камчиликларини бартараф этишга ҳаракат қилади. Бу эса унинг синов имкониятлари ва сифати ошишига йўл очади.

Тизимда кенг қўлмалли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, “Ўзбекистон аккредитация маркази” ДҚ 2019 йил апрель ойида Осиё—Тинч океани минтақаси аккредитация ҳамкорлиги (APAC), 2020 йил апрель ойида Халқаро лабораторияларни аккредитациялаш ҳамкорлиги (ILAC) ҳамда 2020 йил декабрь ойида Халқаро аккредитация форуми (IAF)га аъзо бўлди ва халқаро даражада тан олинди. Бу аъзолик натижасида синов баённомалари билан маҳаллий сертификатлар тўғридан-тўғри хорижий давлатларда тан олиншига эришилади.

ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ТАЛАБИ

Дунёда озиқ-овқат хавфсизлиги муҳим саналар экан, бу борада юртимизда халқаро сифатларнинг жорий этиш долзарб бўлиб бораверади. Шу жиҳатдан 2021 йил 2 июндаги “Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида давлат бошқарувини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Президент фармони асосида тизимни тубдан ислоҳ қилиш ва соҳани ривожлантиришга оид вазифалар белгиланди. Унда “Ўзбекистон аккредитация маркази” давлат корхонаси ҳам бир қатор йўналишларда ислохотларни амалга ошириш вазифаси юклатилди.

Жўмладан, фармонда халқаро ILAC/IAF ташкилотлари аъзоси ҳисобланган аккредитация идораси томонидан ижобий баҳоланган Ўзбекистон Республикаси резидентлари — мувофиқлики баҳолаш органларига миллий аккредитациядан ўтмаган ҳолда, бу ҳақида “Ўзбекистон аккредитация маркази” ДҚни хабардор қилиб, мувофиқлики баҳолашга доир ишларни бажаришга рухсат берилди. Бунда расмийлаштирилган мувофиқлики баҳолаш ҳужжатларида ILAC/IAF ташкилотларининг тан олиш белгилари кўрсатилиши ва ушбу ҳужжатлар уларнинг расмий веб-сайтларида жойлаштирилиши мувофиқлики баҳолаш органлари томонидан таъминланиши зарур.

“Ўзбек-Турк тест маркази” МЧЖ халқаро ILAC/IAF ташкилотлари аъзоси ҳисобланган идора томонидан аккредитация қилинганлиги ҳақида марказни хабардор қилган корхоналардан бири. Турк стандартлар институти ҳамда Ўзстандарт агентлиги ҳамкорлигида ташкил қилинган ушбу қўшма корхона ўз фаолиятини 2004 йилда бошлаган. Жорий йилда МЧЖ лабораториялари қайта модернизация қилиниб, Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги томонидан қабул қилинган техник регламентга асосан, маҳсулотлар хавфсизлигини Европа Иттифоқи нормалари асосида текшириб берадиган энг замонавий ускуналар билан жиҳозланди.

Қўшма корхона бош директори Музаффар Ҳамзаевнинг таъкидлашича, мажмуа тўқимачилик маҳсулотлари, ўйинчоқлар, идиш-товоқлар ҳамда паст қучланишли аппаратларни синаш лабораторияларидан иборат. Синов жараёни муддатли маҳсулот турига қараб белгиланади. Масалан, битта тўқимачилик матоси узоғи билан 2 иш кунинда синовдан ўтказилади. Швейцария, Италия, Германиядан келтирилган замонавий лаборатория жиҳозлари таҳлилларни автоматик тарзда, инсон омилсиз, 95 фоиз аниқликда кўрсатади.

Лабораторияларда киши, албатта, бирор маҳсулотнинг синов жараёнига дуч келади. Ўйинчоқ, идиш-товоқларни синаш лабораториясида ҳам доим иш қизғин. Бу гал болалар аравачаси синов ускунасига текширишга қўйилди. Аравачага боланинг ўрнига маълум оғирликдаги юк жойланиб, унинг кўтариш имконияти, тўхтатиш воситаси, ҳимоя камарининг мустаҳкамлигини текширишга ҳозирлик қўрилди. Бир неча сониядан сўнг аравача куч билан итариб юборилди. Белгиланган масофани маълум тезликда босиб ўтган аравачани кўздан кечирган мутахассис юк тушиб кетмагани, бўюннинг ҳеч қаери синмагани, ҳимоя камари узиллиб кетмаганини тасдиқлади. Демак, товар талабга жавоб беради ва мувофиқ деб топилди.

Бугунги кунда мазкур синов лабораторияси республикамиздаги қўллаб-таъминловчи, шунингдек, маҳсулотни импорт ёки экспорт қилаётган маҳаллий корхоналарга хизмат кўрсатиб келмоқда. Жорий йил 28 июнь кунин Миллий аккредитация тизими асосида аккредитациядан ўтганлик гувоҳномасига эга бўлган қўшма корхона сертификатлари хориж давлатларида ҳам тан олинди.

Ҳозир қўллаб-таъминловчи ана шундай қўлайликлардан фойдаланиб, маҳсулот сифатига алоҳида эътибор қаратаётгани қувонарли ҳол. Айни пайтда аккредитация

хизматларини кўрсатишда мижоз билан тўғридан-тўғри алоқа қилиш ҳолатларини янада қисқартириш, хизматларни бизнес жараёнларининг реинжинирингига (BPR) ўтказиш йўли билан янада оптималлаштириш бўйича “Е-accreditation” миллий аккредитация форуми (IAF)га аъзо бўлди ва халқаро даражада тан олинди. Бу аъзолик натижасида синов баённомалари билан маҳаллий сертификатлар тўғридан-тўғри хорижий давлатларда тан олиншига эришилади.

Шунингдек, тизимда мажбурий аттестацияни бекор қилиш бўйича 596 нафар эксперт-аудитор ва 6 152 нафар сертификатланган ходим учун мажбурий сертификатлаштириш талаби бекор қилинди. Мувофиқлики баҳолашдаги ташқи қўриқни ўтказиш учун аккредитация олиш талабининг бекор қилиниши орқали эса 268 та лабораторияда ўртача 52 тадан кўрсаткич қисқартирилади.

Бир сўз билан айтганда, мувофиқлики баҳолашда бу каби халқаро стандартларнинг жорий этилиши Ўзбекистоннинг сифат бўйича индексларда юқори ўрин эгаллаши, юртимиз инвестицион салоҳияти, экспорт қўламининг ошишига, энг муҳими, аҳолининг сифатли маҳсулот, товар ёки хизматга бўлган эҳтиёжини таъминлашга хизмат қилади.

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон”
мухбири

ЭКОЛОГИЯ

Жусипбек КАЗБЕКОВ,
Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш
давлат қўмитаси раиси ўринбосари,
Халиллулла ШЕРИМБЕТОВ,
Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш
давлат қўмитаси бошқарма бошлиғи

Биохилма-хиллик иқтисодий тараққиётнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Биохилма-хилликни асраш ва ундан фойдаланиш мамлакатнинг экологик хавфсизлиги ва барқарор ривожланишини таъминлаш, шунингдек, содир бўлаётган иқлим ўзгариши жараёнларига мослашиш учун ягона ва ишончли йўлдир.

Ўзбекистоннинг табиий экотизимлари юқори даражадаги биологик хилма хиллиги билан ажралаб туради.

Бугунги кунда Оролбўйи ҳудудида юзага келган фойда оқибатларини юмшатиш ва қулай ижтимоий экологик шароитларни яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Денгизнинг қуриши натижасида минтақада мавжуд ўсимлик ва ҳайвонот дунёси генофондининг ярмидан ортиғи бой берилди. Шунга қарамай, ушбу ҳудуд бой биологик ва ранг-баранг ландшафт хилма-хиллигига эга.

Шу кунгача инсоният ноёб, йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги, турли мамлакатларнинг Қизил китобида ва Халқаро Қизил китоб рўйхатига киритилган ёввойи ўсимлик ва ҳайвонот турлари, экотизимлар ва ландшафтларни сақлашда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар (МЭТХ) ташкил қилишдан афзалроқ йўл топилмаган. Улар табиий экологик тизимларни ўзгартирилмаган ҳолда сақловчи масканлар ҳисобланади.

МЭТХларни ташкил қилиш учун танланадиган ҳудуд бир қанча талабларга жавоб бериши керак. Жўмладан, тилик ва ноёб табиий объектлар ёки табиий ландшафтлар; юридик ва жисмоний шахслар фаолияти натижасида ўзгаришлар рўй бермаган экотизим тури ёки турлари, Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган турларга мансуб ёввойи ҳайвонлар яшаши, ўсимликларнинг

ўсиш жойлари ва халқаро шартномаларга мувофиқ турларнинг мавжудлиги, миллий, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик ноёб табиий, маданий, тарихий, рекреацион объектлар ва мажмуалар, эндемизм ва турлар пайдо бўлиш асосий ўқчалари, аҳоли пунктларидан имкон даражада узоқда жойлашганлиги, яъни ҳудудга таҳдиднинг камлиги; сув-ботқоқ ва бошқа кўчиб юрвчи қуш турларининг миллий ёки минтақавий популяциясининг миграция даврида мунтазам равишда уялаш, қишлаш ёки тўхташ жойлари борлиги билан ажралаб туради.

Бугунги кунда экологик жиҳатдан репрезентатив МЭТХ тизими яратилаётган бўлиб, унинг тоифалари Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқининг тоифалар классификациясига мос келади.

Ҳозир республикамизда 6 та давлат қўриқхонаси, 1 та мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхонаси, 6 та табиат боғи, 11 та давлат табиат ёдгорлиги, 12 та буюртма қўриқхона, 1 та табиий питомник, 73 та ўрмон ҳўжалиги, илмий ишлаб чиқариш станцияси ва корхоналари, 5 та ўрмон ов ҳўжалиги ҳамда 2 та биосфера резервати мавжуд.

МЭТХларнинг умумий майдони (муҳофаза этиладиган ландшафтлардан ташқари) 15,19 миллион гектар бўлиб, шундан Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқи талабларига жавоб берадиган (I-V тоифа ва биосфера резерватлари)

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг умумий майдони 3,753 миллион гектарни ёки мамлакатимиз ҳудудининг 8,4 фоизини ташкил этади.

2016-2021 йиллар давомида юртимизда юридик мақомга эга, умумий майдони 2 420 586,3 гектар бўлган 5 та муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд ташкил этилган. Уларнинг 3 таси Қорақалпоғистон Республикасида ва биттаси Хоразм вилоятида жойлашган.

Ўзбекистон Президентининг 2019 йил 20 мартдаги “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан МЭТХ бошқарув тизими такомиллаштирилди, уларнинг моддий-техник базасини ривожлантириш ва янгилашнинг ташкил қилинишига ҳуқуқий асос яратилди.

Мазкур ҳужжат асосида Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги “Жанубий Ўстюрт миллий табиат боғини ташкил қилиш тўғрисида”ги қарори билан Кўнғирот туманида 1 447 143 гектар майдонда янги муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд барпо этилди.

Оролбўйи минтақасида жойлашган Ўстюрт платоси табиий ландшафтини ва бу ердаги биохилма-хилликни доимий муҳофазага олиш зарурати долзарб масалага айланиб улгурган эди. Ҳудуд Ўзбекистон Қизил китобига киритилган 4 турдаги ўсимликни, энг муҳими, Асаку

Овдан ботиғи, Ўстюрт платосининг жанубий чинки, Сарикамиш кўли акваториясидаги табиий мажмуаларни қамраб олган.

Сарикамиш кўли ва унинг атрофидаги ҳудудларда 108 турдаги қушлар учрайди. Шундан 8 тури Халқаро Қизил китобга ва 14 тури Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган. Ушбу ҳудудда ноёб ва глобал хавф остидаги 19 та турдаги (кенжа турлар билан бирга) қуруқликда яшовчи умуртқали ҳайвонлар учрайди. Улардан Урта Осиё чўл тошбақаси, итолғи, оқ дум бургут, қизил ғоз, вишишлдоқ оққуш, бақироқ оққуш, ҳўжасавдоғар, узун игнали типратикан, хинд асалхўри, қорақуллоқ, жайрон, сайғоқ, Ўстюрт кўйи, қулон ва бошқаларни мисол келтириш мумкин.

Кейинги йилларда бу ерда Қизил китобга киритилган жайрон, сайғоқ, Ўстюрт кўйларини браконьерлар томонидан ноқонуний овлаш ҳоллари кўп учраётган, ҳудуд биохилма-хиллиги мониторингини деярли қоритилмас эди.

Табиат боғи ҳудуди 1 447 143 гектар бўлиб, унга доимий фойдаланишга берилган 1 023 089 гектар қишлоқ ҳўжалигида фойдаланилмайдиган заҳира ерлардан, Кўнғирот давлат ўрмон-ов ҳўжалиғи ва Ҳўжайли давлат ўрмон ҳўжалигининг 326 227 гектар ўрмон фонди ерларидан ва “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмасининг (Сарикамиш кўли) 97 827 гектар сув фонди ерларидан иборат.

Бу ерда функционал табақалаштирилган, қўриқхонада эса (934 584 гектар) ана шундай давлат муҳофаза зонасида назарда тутилган режим ўрнатилади. Рекреация ҳудудида дам олувчилар учун сайёҳлик йўлаклари, енгил типдаги кўчма конструкцияли инфратузилма бинолари, кузатув пунктлари ва бошқа масканлар жойлаштирилиши мумкин. Ҳўжалик ва бошқа мақсадлар учун мўлжалланган зонадаги ерлар маҳаллий ер эгалари, фойдаланувчи ва ижарачилар ихтиёрида қолди.

Жанубий Ўстюрт миллий табиат боғи ўз фаолиятини Давлат экология қўмитаси томонидан 2020 йил 16 декабрда тасдиқланган низом асосида амалга оширади. Унинг ташкил этилиши келажақда Туркмакнистон Республикасининг Қўнғирот қўриқхонаси ва Қозоғистон Республикасининг Ўстюрт давлат табиий қўриқхонаси билан трансгегаравий муҳофаза этиладиган табиий ҳудудга асос бўлиши мумкин.

Мўйноқ ва Кўнғирот туманларида Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 февралдаги қарори билан Судочье-Ақкетки давлат буюртма қўриқхонаси ҳам ташкил этилди. Унга ажратилган 280 507 гектар майдон қишлоқ ҳўжалигида фойдаланилмайдиган заҳира ердан иборат бўлиб, шундан 84 702 гектари Судочье кўллар тизими ва 195 805 гектари Ақкетки участкасига қарайди.

Судочье ўзига хос дельта кўли ҳисобланади. Кўл акваторияси ва унинг ёрбидидаги Ўстюрт платоси чинки ҳудуднинг юқори биологик хилма хиллигини белгилайди ҳамда бетакрор гузаллигини таъминлайди. Судочье кўли ва унга туташ текисликларни муҳофаза қилиш чўлланиб бораётган ҳозирги Амударё дельтаси ҳудудида ландшафт хилма хиллигини сақлашга ёрдам беради.

Бу ерда табиий фаунистик мажмуаларга хос сув-ботқоқ ҳудудлар ва чўл участкалардан иборат 2 та асосий экотизим мавжуд. Унга 117 турдаги қушлар ин қўяди. Ҳудуд глобал хавф остида бўлган кўчиб юрвчи қуш турларига уя қуриш ва тўпланиши учун муҳим жой бўлиб хизмат қилади. Узоқ масофаларга кўчиб юрвчи сувда сузувчи қушларнинг бу ердаги тўпланиш сони айрим йиллари 86 мингдан ортиқни ташкил қилади. Кўлда ва Ўстюрт платоси чинкида яшайдиган қушлардан Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига ва Халқаро Қизил китоб рўйхатига киритилганлари ҳам бор. Мисол сифатида оқбош ўрдак, дашт миққийси, қизил ғоз, жингалмақ сақоқуш, итолғи, йўрга туवालқни ҳамда эндемик балик турлари ҳисобланган Туркистон мўйловли баллиги, оқ кўзали балик, судралиб юрвчилардан бўз эчкенар, Урта Осиё чўл тошбақаси ва бошқа ҳайвонот турларини келтириш мумкин.

Ақкетки участкаси таркибига Орол денгизидан ёдгорлик сифатида қолган ороллар ва унинг қуриган тубининг тузли ботқоқ текислиги, кичик қўллар, қамишзорлар, қумлиқлар, саксовулзорлар каби ландшафтдан иборат табиий мажмуалар кирди. Дунё географиясига “Орол денгизи соҳиллари тип” номи билан киритилган ушбу ландшафт мажмуаси глобал микёс касб этган.

Ҳудудда кўл-тўқай мажмуалари ва чўл экотизимлари ястаниб ётибди. Сут эмизувчи ҳайвонларнинг 10, қушларнинг 19 тури мавжуд. Қумлиқ ва шўрланган чўлда эса сутэмизувчиларнинг 26, қушларнинг 21, судралиб юрвчиларнинг 22 тури ҳаёт кечиради. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ҳудудда умуртқали ҳайвонларнинг ноёб ва глобал хавф остида бўлган 18 тури қайд этилган.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ

Баҳодиржон ОНОРБОЕВ,
мактабгача таълим вазирининг
биринчи ўринбосари

Ўтган қисқа давр мобайнида мамлакатимизда мактабгача таълим тизимини ривожлантиришнинг муҳим асослари шакллантирилди. Мазкур тарихий жараён Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ва “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилишидан бошланди. Шу билан бирга, тизимнинг ҳуқуқий асослари яратилиб, вазирлик олдида турган устувор вазифалар аниқ белгилаб берилди.



БОҒЧАЛАРДА БЎЛҒУСИ ДАҲОЛАР УЛҒАЙМОҚДА

Маълумки, мактабгача таълим узлуксиз таълим тизимининг бошланғич бўлиб, боланинг соғлом ва мустақил фикрини шакллантириш, қобилиятини рўйбга чиқариш ҳамда билим олишга интилишини ривожлантириш каби мақсадлар йўлида иш олиб боради. Вазирлик фаолияти йўлга қўйилгандан сўнг қисқа фурсатда тизимни самарали ташкил қилиш мақсадида 76 та қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.

Мамлакатимизда 3–7 ёшли болаларни мактабгача таълим ташкилотларига қамраб олиш борасида кенг қўлланиш ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада йиллар ҳисобига назар ташласак, 2017 йилда қамров 27,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йили 37,7 фоиз, 2019 йили 52,3 фоиз, 2020 йили 60,9 фоиз, 2021 йилнинг июнь ойи ҳолатига кўра эса 62,4 фоизга етганини кўриш мумкин. Бу кўрсаткич йилдан-йилга ортиб борапти. Қолаверса, 2019 йил 8 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Президент қарорига мувофиқ, 2030 йилга бориб мактабгача таълимга болаларнинг 80,8 фоизини қамраб олиш режалаштирилган.

Шу ўринда бугунги кунда юртимизнинг барча ҳудудидида мактабгача таълим ташкилотлари кўпаяётганини айтиш ўринли. 2017 йилда мамлакатимизда 5 минг 211 та мактабгача таълим ташкилоти мавжуд бўлган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 18 минг 254 тага етгани кўронури ҳолдир.

2021 йилда 3-7 ёшли болаларнинг мактабгача таълимга қамровини 65 фоизга етказиш белгиланган. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги “Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлаш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, 2025 йилда 6 ёшдаги болаларни мактабгача мажбурий тайёрлаш гуруҳларига 100 фоиз қамраб олиш режалаштирилган.

Айтиш жоизки, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги “Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлашга босқичма-босқич ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси



Мактабгача таълим вазирлиги 2018-2019 ўқув йили давомида болаларни бошланғич таълимга мажбурий бепул бир йиллик тайёрлашни жорий этиш бўйича дастлабки лойиҳани муваффақиятли амалга оширди. Айниқса, дастлабки лойиҳа доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона вилояти ҳамда Тошкент шаҳридаги туман ва шаҳарларда ташкил этилган 494 та гуруҳдаги 11 минг 103 нафар бола йиллик мажбурий тайёрларикдан ўтказилгани бу каби саъй-ҳаракатларнинг ижобий маҳсулидир.

Бугунги кунда вазирлик мактабгача таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалда жорий этиш, ўқув жараёнида инновацион педагогик технологиялар қўллаш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш, мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш, уларни ўқув-услубий, дидактик материаллар билан таъминлаш ҳамда педагог ходимларнинг малакасини ошириш бўйича муҳим мақсад ва вазифаларни бажариб келмоқда. Шунингдек, мазкур соҳада мавжуд бўлган хизматларни кўрсатишда мослашувчанликни таъминлаш, бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида мактабгача таълимнинг турли мўқобил шакллари жорий этиш бўйича самарали ишларни бажармоқда.

Муҳим ўзгаришлардан яна бири шуки, давлат-хусусий шериклик доирасида оилавий боғчалар шаклида ўқитишнинг мўқобил модели амалга оширилди. Мамлакатимиз бўйлаб мактабгача таълим ташкилотлари



га қисқа муддатли, яъни тўлиқ кунга мўлжалланмаган гуруҳлар каби таълимнинг мўқобил шакли жорий этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги томонидан хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан икки томонлама ҳамкорлик фаол ривожлантирилмоқда. Чунки халқаро ҳамкорлиқни йўлга

Республикаси, Россия Федерацияси, Япония, Сингапур, Туркия, Польша ва бошқа мамлакатлар, шунингдек, Жаҳон банки гуруҳи, ЮНЕСКО, ЮНЕСКО, KOICA, JICA, TIKA, EXHT, Саудия тараққиёт жамғармаси, “Россотрудничество” каби халқаро ташкилотлар ҳамда молия институтлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Шу ўринда улар билан бирга мактабгача таълимга инновацион ёндашувларни жорий этиш, таълим олишга алоҳида эҳтиёжи бўлган болалар учун мактабгача таълим олишда тенг имконият яратиш, таълим-тарбия жараёни сифатини ошириш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш борасидаги қатор йирик лойиҳалар амалга оширилганини таъкидлаш жоиз.

Ҳозир мактабгача таълимнинг мўқобил шакллари жорий этиш режаси ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра, 2020 йилда БМТнинг ЮНЕСКО халқаро болалар жамғармаси билан биргаликда мактабгача таълимнинг мўқобил шакллари синовдан ўтқа-

зиш режалаштирилган. Наманган вилоятининг Косон, Тўрақўрғон, Чўст ва Норин туманлари ҳамда Хоразм вилоятининг Богот ва Қўшқўлпар туманларида мактабгача таълим ёшидаги болалар гуруҳларининг ўйин жамоаларини синовдан ўтказиш истиқболли режага киритилган.

Бундан ташқари, дастур доирасида турли ёш гуруҳлари билан ишлаш бўйича қатор тренинглар ўтказиш назарда тутилган. Жаҳон банки билан бирга 2020 йилдан бошлаб амалга оширилётган “Болаларнинг эрта ривожланишини такомиллаштириш” лойиҳаси доирасида мактабгача таълимнинг турли мўқобил шакллари, жумладан, юртимизнинг чекка ҳудудидида яшовчи 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларга эътибор қаратган ҳолда “ўйга ташриф”, махсус таълимга эҳтиёжманд болалар учун “эрта ривожлантириш марказлари”ни синовдан ўтказиш назарда тутилган.

Вазирлар Маҳкамасининг “Мобиль гуруҳлар базасида мактабгача таълим хизматларини кўрсатиш бўйича тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида”ги қарорига кўра, юртимизнинг барча ҳудудидида ISUZU русумли қайта жиҳозланган автобуслар негизида “Ақлвой” номили мобиль мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилди.

Дастлабки лойиҳа сифатида “Ўзавтосаноат” АК кўмагида 16 та автобус ташкил этилиб, улар юртимизнинг барча ҳудудини қамраб олди. Бундан ташқари, хавфсизликни таъминлаш ва мобиль гуруҳлар тарбияланувчилари ўйнаши учун шароит яратиш мақсадида барча зарур буюмлар ҳамда дидактик материаллар билан жиҳозланган 44 та ўйин майдончаси қурилди.

Тажриба лойиҳасида аввал мактабгача таълимга қамраб олинмаган ва асосан мамлакатимизнинг

“Ақлвой” мобиль болалар боғчалари лойиҳаси бўйича ҳар бир болага битта ўрин ташкил этиш учун тахминан 7,7 миллион сўм маблағ сарфланган ҳолда бир неча сменада машгулотлар ўтказиш мумкин. Ҳар бир автобус 3 та маҳаллада ҳаракатлана олади. Одатдаги давлат мактабгача таълим ташкилотини қуриш ва жиҳозлаш ишлари учун қилинадиган сарф-харажат тақсимида ҳар бир болага 44 миллион сўмдан келади. Яъни “Ақлвой” мобиль болалар боғчалари харажат борасида ҳам бир қанча тежамкорликка эга.

Бориш қийин бўлган чекка ҳудудидида яшовчи 1 минг 556 нафар бола қамраб олинганини айтиш даркор. Бундай турдаги мўқобил инновацион шакллар аҳолига тақдим этилаётган мактабгача таълим ва тарбия хизматларининг сифати ҳамда жозибадорлиги ошишига замин яратяпти.

“Ақлвой” мобиль болалар боғчалари лойиҳаси бўйича ҳар бир болага битта ўрин ташкил этиш учун тахминан 7,7 миллион сўм маблағ сарфланган ҳолда бир неча сменада машгулотлар ўтказиш мумкин. Ҳар бир автобус 3 та маҳаллада ҳаракатлана олади. Одатдаги давлат мактабгача таълим ташкилотини қуриш ва жиҳозлаш ишлари учун қилинадиган сарф-харажат тақсимида ҳар бир болага 44 миллион сўмдан тўри келади. Яъни “Ақлвой” мобиль болалар боғчалари харажат борасида ҳам тежамкорликка эга.

Юртимизнинг чекка ҳудудидида қайта жиҳозланган ISUZU автобуслари негизида мобиль мактабгача таълим ташкилотларини жорий этишни давом эттириш бўйича таклиф ишлаб чиқилди. Жумладан, 2021 йилда чекка ҳудудлар учун 49 та ISUZU русумли автобус фойдаланишга топширилиб, 98 та янги майдонча қурилди.

Буюк мутафаккир Абдулла Авлоний болани бежиз идишда турган сувга қийсламаган. Сув қайси ранг ва қандай ҳажмдаги идишда турганига қараб, худди шу тусдан товланади. Бу ҳақиқат ҳозирга қадар ўз моҳиятини сақлаб келмоқда. Зеро, эътибор туфайли болаларнинг келажак пойдевори мустаҳкам қурилади. Уларнинг мурғак қалбидида олам-олам гўзал орзуларга қанот бўламиз. Зотан, мактабгача таълим тизимига қамровни янада кенгайтириш, болаларга сифатли таълим-тарбия бериш асосий вазифамиздир.

1 ОКТЯБРЬ — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

ЭЪТИРОФГА ЛОЙИҚ НАТИЖАЛАР

**ЖОРИЙ ЙИЛДА САЙИЛЖОЙ АКАДЕМИК
ЛИЦЕЙИНИ БИТИРГАН 565 НАФАР
ЎҚУВЧИНИНГ 518 НАФАРИ ТАЛАБА БЎЛДИ**

Жорий йилда Жиззах вилоятининг 11 минг нафардан зиёд йигит-қизи юртимиз ва хориждаги қатор олий таълим муассасалари талабаси бўлди. Бу борада, айниқса, Жиззах давлат педагогика институтини хузуридаги Сайилжой академик лицейи битирувчилари эришган натижа қувонарли. Эндиликда ушбу билим масканини 2020-2021 ўқув йилида тамомлаган 565 нафар ўқувчининг 518 нафари ёки 92 фоизи тахсилни турли олийгоҳларда давом эттирмоқда.



— Бу кўрсаткичнинг янада ошишига умид боғлаб турибмиз, — дейди лицей директори Жасур Юсупов. — Чунки коронавирус пандемияси сабаб дунёнинг кўплаб давлатларидаги олий таълим муассасаларидан энг сўнгги, аниқ маълумотларни олиш қийин бўлмоқда. Ваҳоланки, лицейимиз битирувчиларининг анча-мунчаси хориж олий таълим муассасаларига ҳужжат топширган. Шунингдек, контракт ва суперконтракт билан ўқишни давом эттириши мумкин бўлган ёшларимиз борлиги ҳам эҳтиомдан холи эмас.

Сайилжой академик лицейи бундан 21 йил аввал фаолият бошлаган эди. Айни пайтда лойиҳа қуввати 825 ўқувчи ўрнини ташкил этган таълим масканида 4 йўналиш — аниқ, ижтимоий, табиий фанлар ва хорижий тиллар чуқур ўргатишмоқда. Қўшимча равишда фаолият юритаётган ва ўқувчиларнинг 98 фоизини қамраб олган 20 га яқин фан тўғрисида ҳам таълим-тарбия жараёни янада самарали бўлишига ҳисса қўшяпти.

Жамоада юқори малакали, кўп йиллик тажрибага эга 80 нафарга яқин устоз-мураббий меҳнат қилади. Тантаналар мажмуаси, 2 та спорт зали, 18,5 мингдан ортиқ адабиёт, методик қўлланма ва дарсликлар жамланган кутубхона, барча қулайликларга эга, 200 ўринга мўлжалланган ётоқхона ва ошхона ўқувчи ва ўқитувчилар ихтиёрида.

Академик лицейининг тўлақонли фаолият юритишида Жиззах давлат педагогика институтини томонидан қўрсатилаётган эътибор ва бегараз ёрдам муҳим ўрин тутди. Айниқса, олийгоҳ профессор-ўқитувчилари томонидан мунтазам ўтилиши йўлга қўйилган “профес-



сор соати” дарсларининг аҳамияти салмоқли бўлаётир. Ўқитувчилар ва тенгдошларига ўрнак бўлаётган ўқувчиларни моддий ва маънавий рағбатлантиришни ҳам институт ўз зиммасига олган. Таълим-тарбия жараёнида ҳар томонлама фаол 10 нафар ўқувчи эса ҳар ойда “ректор стипендияси”ни олади.

Биргина ўтган ўқув йилининг ўзидида олийгоҳ томонидан энг янги русумдаги 31 та компьютер жамланмаси, 7 та телевизор, проектор, микрофон, овоз кучайтиргич, видеокамера етказиб берилди. Ўқувчилар ётоқхонаси учун зарур мебеллар жамланмалари ва зарур жиҳозлар тортиқ қилинди.

— Ўқувчиларимиз билим даражасини аниқлашда лицейимизда ташкил этилаётган анъанавий “кичик олимпиада”ларнинг ўрни бекиёс бўлмоқда, — дейди лицей директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Озода Ҳайдарова. — Ана шу ички беллашуларда ғолиб

чиққан йигит-қизларимиз вилоят, республика ва халқаро миқёсдаги олимпиадаларда ҳам ишончимизни тўлиқ оқлаётир. Вакилларимиз қатор йиллардан буён фан олимпиадаларининг вилоят босқичида етакчилиқни қўлдан бермай келаётгани, йилига 10-12 нафар ўқувчимиз республика танловларида иштирок этиши анъана тусига киргани, охириги йилларда эса халқаро беллашуларда ҳам бирин-кетин ғолиблик қўлга киритилаётгани буни тасдиқ-



лайди. Энг сўнгги ютуғимизни айтиш билан чекланаман. Шу йилнинг 18-23 июль кунлари Португалия пойтахти Лиссабон шаҳрида 32-халқаро биология олимпиадаси ташкил этилди. Ушбу танловда дунёнинг 77 мамлакатидан 304 нафар иктидорли ёш қатнашди. Ўзбекистон номидан борган 4 нафар ўқувчининг бири лицейимиз вакили Ҳумоюн Норбеков эди. Айнан Ҳумоюн нуфузли олимпиадининг олтин медалини Жиззахга олиб келди. Бугунги кунда таълим масканимиз жамғармасидаги халқаро олимпиада медаллари сони 10 тага яқинлашиб қолганини мамнуният билан таъкидлаб ўтишни истайман.

Сайилжойда иктидорли мактаб ўқувчиларини академик лицейга жалб қилиш, селекция ишларини олиб бориш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Жумладан, мактаб ва лицейлар ўқувчилари учун математика фанидан “Қолибри”, тарих фанидан “Қаҳнос”, биология фанидан “Ибн Сино”, кимё фанидан “Менделеев издошлари”, инглиз тили фанидан “Бриллиант минд” вилоят очиқ олимпиадалари ўтказилмоқда. Ушбу танловлар доирасида ташкил этилаётган “Очиқ эшиklar қуни” тадбирлари ҳам Жиззах воҳаси ёшларининг ушбу билим маскани фаолиятига бўлган қизиқишини орттираётгани шубҳасиз.

Сўзимизни лицей жамоаси жорий йилда эришган салмоқли натижа — битирувчиларнинг 92 фоизи турли олий таълим муассасалари талабаси бўлгани ҳақидаги маълумот билан бошлаган эдик. Шу ўринда лицейнинг айрим гуруҳларида бундан-да юқори кўрсаткичлар қайд этилганини эслаб ўтиш жоиз. Чунончи, Озода Ҳайдарова ҳамда Дипрабо Ғаниева раҳбар бўлган гуруҳлар ўқувчиларининг 100 фоизи, Жавлон Эргашев тайёрлаган гуруҳнинг 98 фоизи ўқишни олийгоҳларда давом эттирмоқда.

— Янги ўқув йилида 390 нафар ёш лицейимиз ўқувчиларига айланди, — дейди Жасур Юсупов. — Улар салкам 2,5 минг нафар йигит-қиз орасидан 2 босқичли танлов асосида саралаб олинди. Демак, уларнинг салоҳияти, билими ва дунёқараши юқори. Ниятимиз — ана шу ёшлар билан яқин келажакда янги марра — 100 фоизлик натижага эришимиз.

Худойберди КАРИМОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ЭЗГУ АНЪАНАЛАР ДУНЁ ХАЛҚЛАРИНИ БИРЛАШТИРМОҚДА!



ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛЬ

Бошланиши 1-бетда

Ташриф буюрган хорижлик меҳмонлар сафида машҳур ҳинд актёри Митхун Чакраборти, Голливуд юлдузи, кинопродюсер Стивен Сигал, турк актёри Ўзжан Дениз каби дунё таниган санъаткорларнинг борлиги кинохлос-мандларига ўзгача завқ бағишлади.

— Биринчи марта Тошкентга ҳамкорликда фильм ишлаган чоғимизда келгандим. Бир ой давомида бу ерда яшаганимиз, аммо мамлакат билан яқиндан танишиш имкони бўлмаган, — дейди Митхун Чакраборти. — Тошкентга келиб, ҳайратимни яшира олмадим. Аэропортнинг ўзидаёқ ўзимни Европага келиб қолгандек ҳис қилдим. Бу ўзбек халқи дунёқарашидagi ўзгаришлар ва ташаббусларга бўлган рағбатдан далолат беради. Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида азалдан жуда яқин дўстона алоқалар бўлган ва бугун ҳам бу алоқалар нафақат кино ва сериаллар, балки барча соҳаларда давом этапти. Булар мени фақат қувонтиради. Санъатдан ҳайратланидиган, қалби гузал ва меҳмондўст халқингизга таъзим қиламан!

Халқаро кинофестивалнинг дастури гоят кенг ва ранг-баранг экани мазкур ижодий лойиҳанинг "Фестиваллар фестивали" сифатида ўтаётганидан

дарак бермоқда. "Кино 5 кунда" ижодий лойиҳаси, янги-янги бадиий, ҳужжатли фильмлар тақдими, маҳорат сабоқлари, анжуманлар, тақдимотлар, кино юлдузлари иштирокидаги матбуот анжуманлари билан ҳамоҳанг бўлиб ўтмоқда. Мамлакатимизнинг кўплаб ҳудудларида янги-янги кинотеатрлар қурилиб, фойдаланишга топшириляпти. Ўн тўрт хорижий мамлакатнинг миллий кино кунлари томошабинларни жаҳон кинематографиясидаги энг илғор йўналишдаги анъаналар билан таништирмоқда. Шу билан бирга, миллий кинематографиямиз истиқболига йўналтирилган янги-янги ҳамкорлик ҳужжатлари имзоланиши, янги ижодий лойиҳалар сари қадам қўйилиши бошланмоқда.

— "Туркнинг улуг чинори" номли ҳужжатли фильмини суратга олиш асносида туркий тиллар султони-га руҳан боғландим, — дейди кинофестиваль меҳмони, туркиялик сценарист ва продюсер Хусейн Ўзден. — Алишер Навоийнинг асарларида инсон омили юқори туради. Навоийни дунёга танитиш ҳар бир зиёлининг вазифасидир. Бу фильмининг яратилишида 30 дан зиёд ўзбек олимлари ёрдам берди. Уларга ўз миннатдорлигини билдираман. Бу юрт тинчликни қадрлаган, маъри-



фат сари интилган, тараққиётга йўл бошлайдиган улуг аждодлар камол топган муқаддас заминдир. Ўзгулик байроғини баланд кўтариб, аждодлари йўлини давом эттираётган бугунги авлодга ҳавасим келади!

Қайта тикланган Тошкент халқаро кинофестивали наинки кинематография, балки сайёҳлик, санъат таълими, мамлакатга инвестициялар кириб келиши, халқаро ҳамкорликда муҳим аҳамият касб этади.

— "Туркнинг улуг чинори" номли ҳужжатли фильмини суратга олиш асносида туркий тиллар султони-га руҳан боғландим, — дейди кинофестиваль меҳмони, туркиялик сценарист ва продюсер Хусейн Ўзден. — Алишер Навоийнинг асарларида инсон омили юқори туради. Навоийни дунёга танитиш ҳар бир зиёлининг вазифасидир. Бу фильмининг яратилишида 30 дан зиёд ўзбек олимлари ёрдам берди. Уларга ўз миннатдорлигини билдираман.

Тадбирнинг яна муҳим жиҳати шундаки, йирик кино анжумани доирасида Ўзбекистондаги ва хориждаги кинокомпаниялар иштирокида ўзаро манфаатли келишувлар имзоланади.



МУЗЕЙ УЧУН ҚИММАТБАҲО СОВҒА

Ҳайкалтарошликка юртимиз ҳудудида қадимий санъат турларидан бири сифатида қаралади. Ҳайкалтарошлик юксалиш палласини бошдан кечирди, ривожланишнинг бир неча bosқичини босиб ўтган миллий мактаб шаклланди. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ижодий тафаккур ҳурлиги юзага келди, маданият ва санъат соҳасида янги ва ёрқин номлар, ютуқлар пайдо бўлди.

Куни кеча ўзбек тасвирий санъатида қувончи воқеа юз берди. Кўҳна ва навқирон Самарқандда таваллуд топган, бугунги кунда Буюк Британияда яшаб, қизгин ижод қилаётган ҳамюртимиз Юнус Сафардиёр пойтахтимиздаги Темурийлар тарихи давлат музейига қимматбаҳо тухфа — Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг кичик ҳажмли бронза ҳайкалини совға қилди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Бадиий академиясининг анжуманлар залида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бронзадан ишланган ҳайкали тақдими ўтди.

Истеъдодли ўзбек ҳайкалтароши Юнус Сафардиёр 1986 йилдан бери халқаро кўргазмаларнинг фаол иштирокчиси, Россия, Буюк Британия, АҚШда кўплаб шахсий кўргазмалар ўтказиб келади. Муваффақиятлари авангард эмас, балки академик ишлари сабаб бўлди. Унинг санъатида вақт ва макон қамрови жуда кенг, чегара билмайди.

Ижодкор мис, тош, ёқут, бронза, қумуш, ёғоч каби материаллар билан ишлайди. У иш учун этник ва мифологик, тарихий, лекин асосан портретлар ва композициялар, классик анъаналарда ва янги технологиялар ёрдамида турли мавзуларни танлайди. Юнус Сафардиёр ҳайкалтарошликда янги хомашлар билан тажриба ўтказишни яхши кўради.

— Технология мунтазам ривожланишда, ўзгариш тезлиги ҳам доимий равишда ошиб бормоқда. Ушбу ҳайкал улуг саркарда, давлат арбоби, шоир Заҳириддин Бобурнинг юрти, менинг ҳам юртим бўлган Ўзбекистонга чин қалбимдан қилган тухфамдир, — дейди Юнус Сафардиёр. — Бу ҳайкалда от устида ўтирган Бобурнинг ўнг томонида шоҳ ва саркарда жасоратини англатувчи қилч бора. Образнинг умумий шакли талқинида Бобурнинг аниқ кўриниб турган хатти-ҳаракати, ўзига бўлган ишончи яққол кўзга ташланади.

Дарҳақиқат, ҳайкалтарош, бир томондан, дастгоҳ ҳайкалтарошлигининг замонавий тенденцияларига содиқлигини, иккинчи томондан, пластика воситасида саркарда образини шоирона тасвирлаш истагини намойиш этади.

Юнус Сафардиёрнинг барча асарлари ижро маҳорати, қучли фантазияси билан ажралиб туради. Пластик санъатдаги маҳорати туфайли у жаҳон замонавий санъатида муносиб ўрин эгаллашга муваффақ бўлди. Бугунги кунда унинг асарлари Россия Бадиий академияси, Буюк Британия, АҚШдаги коллекцияларда сақланади.

Гуличеҳра ДУРДИЕВА,
"Янги Ўзбекистон" муҳбири

21 ОКТЯБРЬ — ЎЗБЕК ТИЛИ БАЙРАМИ КУНИ

ТОПОНИМЛАР: МИЛЛИЙЛИККА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР БЕРАЙЛИК

Гофир ҲАМРОЕВ,
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгандан сўнг юртимиздаги кўплаб топонимик объектлар қайта номланди. Яъни ўзбек тилида жой номларини аташ, расмийлаштириш ишлари амалга оширила бошлади. Бунинг ўзига хос жиҳати шунда эдики, она юртимизнинг барча нуқтаси давлат тилида, миллийлигимизни, маънавиятимизни ва маданиятимизни англайтиб туриши керак эди. Ватан мустақиллиги, аввало, унинг тилида акс этиши, ўзбекона жаранглашида намоён бўлиши лозим.

Ўзбек тилида расмий мақомда бўлмаган даврларда юртимиздаги аксарият жой номлари бошқа тилда аталиб келинди. Бир миллиятнинг мавжудлиги унинг тилига нақадар боғлиқ эканини ўтган давр ва бугунги ҳолат яққол кўрсатиб турибди. Кўплаб жой номлари ўзбекчаси билан алмаштирилганига чорак асрдан ошди, аммо ҳали ҳам "Дружба народов", "Сорок лет", "Максим Горький", "Набережный", "Электростанция", "Макаронка", "Парк-озеро", "Сольнечный" каби эски номлар халқ тилида, мулоқот жараёнида қўлланиб турибди. Бу нимани англатади? Бу тил масаласи, хусусан, жой номлари ниҳоятда нозик масала эканини кўрсатади. Топонимлар инсонларнинг кичик ва умумий ватанларини ифодалайди, шунинг учун ҳар бир топоним қўйилаёт-



ганда унинг луғавий маъноси, этимологияси, шу жойга мос хусусиятига катта эътибор бериш зарур.

Жой номлари тилшунослигимизда кам ўрганилган соҳа ҳисобланади. Мазкур йўналишда санокли олимларгина тадқиқотлар қилган. Бу бир давлат топонимлари тадқиқи учун етарли эмас. Тилнинг яшаб қолиши, авлодларга етиб бориши уч асосий омилга боғлиқ: биринчиси — оғзаки мулоқот; иккинчиси — луғатлар; учинчиси — топонимлар. Аммо ўз вақтида чора-тадбирлар қўрилмаса, илмий тадқиқотлар кучайтирилмаса, топонимларнинг яшовчанлиги камаяди, маъноси тушунарли бўлмай, мавҳумлаша боради. Бунинг биринчи сабаби шуки, жамиятимизда аҳоли, ҳатто зиёлилар ўртасида ҳам кўпроқ шевага хос талаффуз устунлик

шунда кўриш мумкинки, тил ўрганиш жараёнида ҳам энг биринчи ўрганиладиган сўзлар жой номларидир.

Қисқаси, топонимлар сизнинг кичик ва катта ватанингизни англатиб туради. Тузумлар ўзгариши тарихга, маънавиятга, маданиятга қандай таъсир қилган бўлса, ундан ҳам кўпроқ тилга, топонимларга катта салбий таъсир кўрсатган. Унинг асоратлари ҳали ҳам жамиятга ўз таъсирини ўтказиб келмоқда. Мустақилликдан сўнг асосий номлар, хусусан, туман, жамоа ҳужалиги, кўплаб қишлоқ номлари ўзбек тилида қайта номланди, аммо ҳозир ҳам хоҳ шаҳар, хоҳ тумандан келган талаба ёки ўқувчи бўлсин, қаерлик эканини сўрасангиз, "Энгельс", "Правда", "Октябрь", "Коммунизм", "Жданов", "Ильич", "Победа" ва бошқа жой номлари тилга олинади. Демак, тил масаласига эътиборли бўлиш, айниса, оммага тез сингиб, жуда секин унутилмаган топонимларни қўйишда етти ўлчаб, бир кесиш лозим.

Ўзбекистонда топонимикани ривожлантириш учун, аввало, мазкур соҳадаги илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш керак. Ҳар бир фуқаро ўзи яшаб турган кўча, маҳалла, туман, шаҳар, вилоят ва республика, шунингдек, миллият ва уруғ номи маъносини яхши билиши, унинг этимологиясини — қандай келиб чиққани, қанчалик тарихга эгалигини билиши шарт. Бунинг илмий тадқиқотлар аниқлаб беради.

Замон қанчалик ривожланиб бораётган бўлса, тил ҳам мазкур ижтимоий жараёнларни шунчалик тез ўзига намоён қилиб бормоқда. Ҳар бир миллият ўз она тилига масъул бўлиши нақадар муҳимлиги бугунги номлаш жараёнида кўринади.

Шу маънода, нуфузли объектларга ном қўйилганда ҳам миллийликка алоҳида эътибор беришимиз лозим. Акс ҳолда, катта шаҳарларда муҳим жойлар инглизча мўлжалларнинг номи билан аталмоқда. Масалан, "Азифа медлайн"дан ўтиб тушаман", "Азия"га етмай тушиб қоламан", "Мегалланет"да тураман". Мазкур мўлжалли ифода-ловчи катта объектлар бора-бора жой номига айланиб кетиши мумкинлигини инобатга олиш керак.

Яна бир муҳим масала бор. Бу — мавжуд жой номларининг ўзбекча талаффузи ва ёзилишини тиклаш. Аҳоли томонидан "Азия", "Сергели", "Согдиана" каби номлар русча талаффуз ва имлода ханузгача қўлланиб турибди. Қисқаси, бу борада бир қатор муаммолар ўз ечимини кутмоқда. Шунингдек, "Бешкапа", "Учқўрғон", "Қўтирбулоқ", "Каттақўрғон", "Сариктепа", "Кенасас" каби аҳоли яшаб пунктлари, маҳалла номлари кўнчилиққа тушунарли. Яратилган изохли, этимологик луғатларда, асосан, "Нисбот", "Ургут", "Самарқанд", "Бухоро", "Денов" каби топонимларнинг маъноси, келиб чиқиш тарихи изохлаб берилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Мамлакат миқёсида топонимикага доир мавжуд муаммоларни қузатиш, илмий-таҳлилий ўрганиш асносида қуйидаги тавсиялар шаклланди:

биринчидан, топонимларга миллий қадрият, миллий бойлик, миллият тарихи ва маданиятини ўзида муҳассас этган, ҳар бир фуқаронинг яшаш манзилини, ҳаёт тарзини, миллий менталитети,

шунингдек, урф-одат ва анъаналарини англайтиб турувчи маданий ёдгорлик сифатида муносабатда бўлиш.

Иккинчидан, мамлакатнинг асосий университетларида ҳудудлар бўйича топонимика бўйича мақсадли магистратура ва докторантура йўналишларини ташкил қилиш.

Учинчидан, зулуқсиз таълим тизимида тегишли фанлар, хусусан, она тили, давлат тили, шунингдек, адабиёт фанлари дарсликларига Ўзбекистон топонимлари бўйича ҳамма ўқувчи учун муҳим ва қизиқarli маълумотлар, матнлар киритиш, шунингдек, топонимларнинг талаффузи ва имлосига алоҳида эътибор бериш лозимлиги бўйича тақлифлар юбориш.

Тўртинчидан, ҳозир катта шаҳарларда ҳаммага маълум бўлмаган топонимлар ўрнига ишлатилаётган мўлжалли ифода-ловчи катта ва нуфузли объектларнинг номланишини назоратга олиш лозим.

Бешинчидан, топонимларнинг изохли, этимологик ва энциклопедик луғатлари яратилиши керак. Шу билан бирга, келажак авлодда ўзлари яшаб турган жой номларига муносабатини ўзгартирувчи илмий-оммабоп китоблар, методик қўлланмалар, ўқув луғатлар яратиш, шунингдек, танловлар ташкил қилиш лозим.

Инсон ўзи туғилиб ўсган жой номини эшитганда, ўқиганда, ёзганда энтиқиб қолади, чунки унинг болалиги хотиралари, ёшлиги, бутун умри, ватан ҳақидаги ҳис-туйғулари бир сўзда муҳассас. Ҳар бир киши топонимларни муҳофаза-лаш, тарғиб этиши, тўғри қўлланишини назорат қилиши керак. Ўзи туғилиб ўсган жой номининг маъносини, келиб чиқиш тарихини билмайдиган, ҳимоя қилмайдиган, ўз шаъни деб билмайдиган киши ватанпарвар бўла олмайди.